БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
22 август
Чоршанба
№ 158 (13.594).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



ЖАМОА ФАХРИ

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз унутилмас «воқеа»си бўлади. У бир умр ана шу воқеани ўзгача ҳаяжон билан хотирлаб юради. Фарғона вилоятидаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Гулчеҳра Турғунова учун мамлакат фирқаларининг XXVIII съезди энг катта воқеликка айланди.

Москвада съезд делегатлари унга катта ишонч билдиришди: Гулчеҳрани КПСС Марказий Қўмитаси котиботига аъзо этиб сайлашди.

«Уддалай олармиканман-а?» — дея ҳаяжонланиб кетганди ўшанда у. — «Қандай катта масъулият ахир бу! Майли одамлар ишонч билдиришдими, демак, ишончни оқлаш учун ҳаракат қилишим керак».

Гулчеҳра Турғунова фирқа ишлари бўйича катта тажрибага эга. У мана 20 йилдан ошиқ вақтдан буён цех фирқа ташкилоти котиби, тўқимачилик фабрикаси фирқа ташкилоти бюро аъзоси, бундан ташқари яна вилоят фирқа қўмитаси аъзоси.

У ўрта мактабни битириб шу корхонага келганига ҳам 30 йилдан ошди. Бирлашмада энг илғор ишчи: 4 та ўрнига 6 та станокда ишлайди. Режалар, топшириқларни ҳамиша уддалайди.

Бугун унинг ўнлаб шогирдлари бор. Ҳа, айтгандай у турмуш ўртоғи Турсунбой билан шу бирлашмада танишиб қолганди. Бугун уларнинг тўнғич ўғли Бахтиёр ҳам ота-онаси изидан бормоқда.

СУРАТДА: Гулчеҳра Турғунова чапда мусобақадош дугонаси Қимсанхон Аҳмедова билан.

Ш. АЛИМОВ сурати.

(ЎзТАГ суратхроникаси).

Факт ва шарҳ

ВЕРТОЛЁТ ЁРДАМИДА... ЧЕКАНКА

Фарғона вилояти Ёзёвон ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигида 800 гектар майдондаги ғўза одатдан ташқари усул билан — ҳаводан туриб чеканка қилинди. Экинларга Ғарбий Германиянинг «БАСФ» фирмаси ишлаб чиқарган «Пикс» препарати билан вертолётдан туриб ишлов берилди. «Узсельхозхимия» мутахассислари раҳбарлигида ўтказилган тажрибанинг кўрсатишича, препарат ғўзанинг ғовлаб кетишига йўл қўймайди, ҳосилсиз ортиқча шохларнинг йўқ бўлишига ёрдам беради. Энг асосийси — «Пикс» кўсакларнинг ҳосил тўплаши ва ривожланишини барқарорлаштиради, демак, мўл ҳосил тўпланишини таъминлайди. Мазкур усулдан фойдаланиш ўсимликнинг юқори қисмидаги шона ва гулларни сақлаб қолиш имконини беради. Улар қўлда ёки механизмлар ёрдамида чеканка қилинганида олиб ташланар эди. Препарат билан ишлов берилган ғўзалар ортиқча ўсиб кетмайди ва ерга эгилиб қолмайди, бу эса пахта териш машиналарининг ишини енгиллаштиради.

Янгиликнинг жорий этилиши катта фойда келтириши мумкин. Харажатлар қўлда чеканка қилгандагина нисбатан 4-6 баравар камаяди. Гектар бошига ҳисоблаганда бундай чеканка 8—13 сўмга тушади. Препаратнинг экология жиҳатидан тозалиги унинг яна бир муҳим афзаллигидир — «Пикс» атроф-муҳит ва одамлар соғлиғи учун тамомила зарарсиздир.

— Препаратдан фойдаланишдан олдин биз экинларнинг аҳволини ўрганиб чиқдик, — деди жамоа хўжалиги бош агрономи Ҳ. Музаффаров. — Препаратни ишлатиш нормаси ўсимликларнинг ривожланишига қараб белгиланади. Ғўза меъёрида ўсган майдонларда ҳар гектар ерга 1—1,3 килограмм дори сепилади, экинлар баландлиги бир метрдан ошиб кетган карталарда эса 1,5 килограммгача ишлатилади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

* * *

Бу хабарни «Узсельхозхимия» бирлашмасининг деҳқончилик кимёси хизмати бошқармаси бошлиғи К. Қурбонбоев шарҳлаб берди.

— Биз бошқа хўжаликларда ҳам шундай тажриба ўтказиб, ҳамма жойда ижобий натижаларга эришдик. Уни кенгайтириш учун асос бордек кўринади — препарат зарарсиз ва юқори иқтисодий самара бераяпти. Бироқ уни ГФРдан сотиб олиш учун валюта зарур. Жумҳурият қишлоқ хўжалик давлат-кооператив қўмитаси ҳозирча «БАСФ» фирмаси билан битим тузишга қодир эмас. Дарвоқе, бу фирма бир туркум препаратни бизнинг шароитларимизда синаб кўриш ва реклама қилиш учун бепул берди.

ЎзТАГ деҳқончилик-саноат хабарлари муҳарририятидан: энди биз удабуронлик кўрсатсагу, маблағ топсак, ёмон бўлмасди. Бу маблағ пахта таннархининг пасайиши, ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига ўзини оқлайди. Қўшимча маҳсулот эса қўшимча валюта олиш имконини беради.

Қардош жумҳуриятларда нима гап?

Мустақил милиция

ТАЛЛИНН. Эстония жумҳурияти ҳукумати раиси Эдгар Сависаар ва СССР Ички ишлар вазири Вадим Бакатинлар Эстония Ички ишлар вазирлигини Иттифоқ бошқарувидан чиқариш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг қўшалоқ бўйсунувидан халос этиш тўғрисида Эстония парламенти ўтган йил қарор қабул қилган эди. 1991 йилдан бошлаб Эстония милициясини маблағ билан жумҳурият ўзи таъминлайди. Эндиликда шахсий таркиб миқдорининг қандай бўлиши, уларнинг тайёргарчилиги ва уй-жой таъминотини жумҳуриятнинг ўзи ҳал қилади. Моддий-техник таъминотни эса ҳозирча Москва ўз зиммасига олди. Шу билан биргаликда Иттифоқ Ички ишлар вазирлиги уюшган жиноятчиликка, гиёвандликка ва жумҳуриятлараро ҳамда халқаро аҳамиятга эга хавфли жиноятчиликка қарши курашда биргаликда ҳаракат қилишга рози бўлди.

Бу иш услуби янгилик эмас. Америка Қўшма Штатларида ҳар бир штат, ҳатто шаҳар полициялари ўзича эркин ҳаракат қилади. Керак бўлганда биргаликда иш олиб боришади.

Рўзнома қайта ташкил этилди

УЛЬЯНОВСК. «Ульяновский комсомолец» 1 июндан бошлаб ижтимоий-сиёсий «Слово молодежи» ҳафталикномасига айланди. Вилоят комсомол қўмитаси пленуми мана шундай қарор қабул қилди. Бу ташаббусни халқ депутатлари маҳаллий Шўроси қўллаб-қувватлади. Бироқ, КПСС вилоят қўмитасида эса: «Мана шундай «ёшлар» рўзномасини бизнинг қоғозга фирқа нашриётида чоп этиш керакмикан?» деб ўйланиб қолишди. Депутатлар ва вилоят Шўросининг раиси рўзнома ёнини олди. Рўзнома эса чиқа бошлади...

Мукофотга—50 минг сўм

АВВАЛ хабар берилганидек, 27 июлда Шўро Маданият жамғармаси коллекционерлар клуби аъзоси В. Е. Магидснинг уйидан куппа-кундуз куни XVII—XVIII асрларга доир бутун жаҳонга таниқли рассомларнинг бир неча ўнлаб расмларини, кўҳна рус ҳожларини ва декоратив-амалий санъат намуналари ўғирлаб кетилган эди. Ҳозир қидириш давом этаяпти.

Шу пайтгача мамлакатимизда кўрилмаган бундай жиноятчиликни очиш мураккаб эканлигини эътиборга олиб, уни тезроқ топиш шўро маданият жамғармаси бошқаруви халқ бойлигини топган кишига 50 минг сўм мукофот беришга қарор қилди.

Бебаҳо коллекцияни муваффақиятли излашда ва уни қайтаришда муваффақиятга эришган шахсга айни мана шунча миқдорда пул берилади.

Москва шаҳар ижроия қўмитаси Ички ишлар Бош бошқармаси қидирув ишларини олиб бормоқда. У барча фуқароларга мазкур жиноят тўғрисида бирор бир нарсадан хабардор бўлсалар қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишларини илтимос қилди: 265-75-75, 259-63-93.

Арманистон: мустақиллик тўғрисида декларация

Жумҳурият Олий Шўроси Арманистон мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияни қабул қилишга киришди. Лекин унинг раиси Л. А. Тер-Петросяннинг кириш сўзи миллатлараро муносабатларда янги кескинлик ўчоғини вужудга келтирган Ноемберян ноҳиясидаги сўнгги воқеалардан ташвиш билан йўғрилган эди. Парламент можарони барқарорлаштириш учун у ерга гап-сўзсиз депутатлар гуруҳини жўнатди.

Декларация лойиҳасида жуда хилма-хил нуқтаи назарлар ўз ифодасини топган. Мазкур лойиҳа парламентдаги турли партиялар ва фракциялар таклифлари мужассами бўлди. Улар номидан «Арманистон ССР энди Арманистон Жумҳурияти деб номланиши, у ўз байроғига, гербига ва мадҳиясига эга бўлиши, бу жумҳурият ҳокимият устунлигига, мустақилликка, барча ички ва ташқи ишларни олиб бориш ваколатларига эга бўлган, кўп партиялиликни тан оладиган мустақил давлат бўлиши»ни эълон қилиш мўлжалланмоқда.

Агар Декларация қабул қилинса, Арманистон ҳокимият барча поғоналарига, ҳатто ўз қуролли кучлари, элчихоналари, молияси, пулигача эга бўлишини мўлжалламоқда. Лекин Декларацияда СССР таркибидан чиқиш тўғрисида рўй-рост ҳеч нима дейилмаган.

Мактабларда— ўн балли система

Молдованинг барча ўқув юртларида янги ўқув йилидан бошлаб билимларни баҳолашнинг ўн балли системаси жорий этилмоқда. Жумҳурият ҳукумати Фан ва маориф Вазирлигининг таклифига биноан шундай қарор қабул қилди. Сентябргача қолган кунлар ичида у бу системани жорий этиш юзасидан методик кўрсатмалар ишлаб чиқиши, тушунтириш ишларини ўтказиши зарур.

1 сентябрда парталарга ўтирадиганларни яна бир янгилик кутмоқда: барча типдаги ўрта ўқув юртлари ўқув режаларидан «Бошланғич ҳарбий тайёргарлик» фани олиб ташланади. Ҳукуматнинг шу хусусда қабул қилган қарорида йўқ қилинаётган ҳарбий раҳбар лавозими ўрнига ўрта ўқув юртлари штатларига психолог лавозимини киритишга рухсат этилади.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН!

Бу кун йиллар ўтиб унутилмас бўлиб қолар. Ёшлар ўзларига жиддий эътибор беришганининг илк нишонаси деб қабул қилишар. Ҳар қалай, яхшилик билан ёдланишига умид қиламиз ва ишонамиз. Сабаб — халқ депутатлари Самарқанд вилояти Шўросининг III сессиясида депутатлар «Ёшларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш бўйича 1990—1993 йилларда биринчи галда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида»ги масалани муҳокама қилдилар.

Бу яхши ниятли тадбирни қўллаб-қувватлаймиз ва бошқа вилоят Шўросидагиларнинг ҳам ибрат олишларини истаймиз. Ана ўшандагина «Ёшлар — келажагимиз» деган каломга ҳам сўзимиз, ҳам ишимиз билан амал қилган бўламиз.

Самарқандда ёшлар учун дам олиш масканлари анча камлиги кечки пайт жуда билинади. Куни билан олий ўқув юртида бўлган талабанинг ҳордиқ чиқариши учун уни ўзига чорловчи оромгоҳлар йўқ. Ахир Самарқанд ҳам талабалар маскани.

Оилали талабаларга ўқиш, яшаш қандай қийинлигини улар ҳолига тушганларгина яхши ҳис қила оладилар. Ахир ҳали ўзини тутиб улгурмаган ёш оила 50-60 сўм билан ижарада туриши азоб-ку!..

Алоҳида қобилиятли ёшларга етарлича эътибор бериш, уларни тарбиялаш учун имкониятлар яратилмаган. Биз ҳали-ҳануз оддийликдан алоҳида ажралиб туришликка кўникмаганмиз, буларга эътибор бермаймиз. Вилоятда алоҳида қобилиятли болалар учун «Улуғбек — мактаби» ташкил этиш ва унга лойиқ ёшларни танлаб олишни йўлга қўйиш лозим.

...Уй-жой муаммоси ёшларнинг оғриқ нуқтаси. Бу «оғриқ»қа ҳамма ҳам дош беравермайди. Жанжаллар, қўнимсизликлар, ҳатто ажралишларни келтириб чиқаради бундай оғриқлар. Ёшлар уй-жой комплексини қуриш вилоят кенгашини ташкил этиш эса бу муаммони ижобий ҳал этишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Оилавий боғчалар ташкил этишни бевосита турар-жой комплексларининг ичида барпо этиш керак.

Бу фикрларнинг ҳаммасини «Ёшлар ҳаракатномаси» орқали ҳал этиш мумкин. Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси шундай фикрда. Бу асосли ва умидли фикр, албатта.

«Ёшлар ҳаракатномаси» 27 банддан иборат. Унинг ҳар бири маълум муаммони акс эттирган ва ҳал этишга йўналтирилган. Бу тадбирларни тайёрлашда вилоят режа комиссияси, молия бўлими, мутахассислар, ҳуқуқшунослар, ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фикри инобатга олинган.

Қуйида «Ёшлар ҳаракатномаси»га киритилган айрим бандлар:

— халқ депутатлари маҳаллий Шўроларининг ҳисобидан ёшларнинг ижтимоий ҳимояси учун комплекс ҳаракатномалар тадбирлари учун махсус маблағлар ажратиш;

— ёш фуқароларга, ёш оилаларга шахсий уй-жой қуриш ва олиш, уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун узоқ муддатли қарз бериш;

— вилоят комсомол қўмитаси қошида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий марказ тузиш;

— ёшларнинг ишсизлиги муаммосини ўрганиш ва уни бартараф этиш бўйича вилоят ижроқўми қошида олим ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузиш;

— мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун ҳар бир шаҳар ҳамда ноҳияда биттадан намунавий меҳнат-роҳат лагерини қуриш масаласини ҳал этиш;

— ёшлар ва ўсмирларнинг техник амалий ижодиёти учун моддий-техник база яратиш мақсадида саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар сотиладиган алоҳида дўкон ташкил этиш;

...Ёшлар тақдирига бефарқ қарамайдиган юртнинг келажаги бор. Бу самарқандлик депутатлар ва вилоят комсомол қўмитасидагиларга хос таъриф дегинг келади. Лекин инсон қалбининг бир четида ишончсизлик туйғуси ҳам борлигини ошириш, инсофдан эмас. Биз сўнгги йилларда чиройли гапиришни, чиройли фикрлашни, чиройли тадбирлар тузишни ўргандик, шунга одатландик. Қани энди ўшаларнинг ҳаммасининг чиройли интиҳосини ҳам кўрсак. «Ура-ура»чиликдан андак ўзимизни тийган ҳолда самарқандликлар ҳайрли ишларининг ҳайрли натижаларини кўришга умид қиламиз. Ахир ният яхши бўлса — ҳаммаси хайрли бўлади, дейишади-ку.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Қабул қилинган тадбирга халқ депутатлари Самарқанд вилоят Шўроси ташкилий — Шўро ишлари бўлими мудирининг ўринбосари, собиқ комсомол ходими Йўлдош СУЮНОВнинг шахсий мулоҳазалари:

— Яқинда вилоят Шўроси ўз мажлисида «Ёшларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш бўйича 1990—1993 йилларда биринчи галда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида»ги масалани муҳокама этди. Бу тўғрида тегишли қарор қабул қилинди.

Ушбу тадбирлар лойиҳаси вилоят Шўросининг ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияси ва вилоят комсомол қўмитаси томонидан тайёрланди. Уларнинг қўшма мажлисида атрофлича ўрганилиб, фикр билдирилди. Вилоят Шўросининг дастлабки сессияларидан бирида ёшлар ҳаёти муаммоларининг муҳокама этилиши бежиз эмас. Чунки ёшлар вилоят аҳолисининг 70 фоизидан ортиғини ташкил қилади. Уларнинг ҳаётда дуч келаётган муаммоларига қатор йиллардан буён маҳаллий давлат органлари томонидан етарлича эътибор берилмас эди. Шуни таъкидлашим керакки, вилоят Шўросининг сессиясида кейинги 15-20 йил ичида бундай масала кўрилмаган. Ёшлар муаммоларини бартараф этиш чораларини белгилаб олишнинг ўзи халқ ҳокимияти органининг ёшларга эътибор беришга киришганлигидан далолатдир. Бу катта йўлга томон қўйилган биринчи қадамдир.

Ўйлайманки, яқин келажакда ёшларга ғамхўрлик қилишни ўзида акс эттирган давлат ҳаракатномаси ишлаб чиқилади. СССР халқ депутатларининг учинчи сессиясида ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқувдан ўтди. У ҳозир қайта таҳрирланмоқда. Кузги сессия уни яна бир кўриб чиқади ва аминманки, қабул қилади.

Биз ўн йиллар давомида ёшларни (комсомол ташкилотлари орқали) фирқа ташкилотлари тасарруфи ва тарбиясига бериб қўйган эдик.

«Қарсак»лар ва «ура-ура»лар даврида «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!», «Барча қулайликлар — ёшларга!» шиорларини кўп эшитардик, кўп ўқирдик. Ҳаётда эса бунинг акси авж олиб, ёшларнинг ижтимоий-маиший аҳволи йилдан-йилга ёмонлашаверди.

Мисол тариқасида умумтаълим мактабларини олайлик. Уларда ўтган ўқув йилида 560 минг ўқувчи таълим олди. 1.070 та мактаб биноларининг 27 фоизи намунавийдир. 146 таси ночор аҳволда. Қолганлари эса эски, мослаштирилган, бундан 40-50 йил олдин хом ғиштдан қурилган биноларда. Электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа ўқув ускуналари етишмайди. Халқ таълими мутахассислигига эга бўлган 2 мингга яқин йигит-қиз ишга жойлаштирилмаган. Ишлаётган ёш мутахассислар бир қисмининг ҳафталик дарс соатлари 10 соатдан ошмайди. Сабаби: дарс соатлари етишмайди. Шу билан бирга мактабларда деярли шунча пенсионер ўқитувчи-тарбиячилар ишлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Президиумининг 1988 йил 16 мартдаги Фармони билан жумҳурият меҳнат қонунлари кодексига ўзгартириш киритилиб, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ходимларни иш ташаббуси билан пенсия ёшига етганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш ҳуқуқи берилди. Аммо бу моддани ҳали деярли ҳеч ким қўллаган эмас. Кечагина олий ўқув юртини тамомлаб, аксарият ҳолда оилали ёшлар қўлида йўлланма бўлишига қарамасдан, маълум вақт ё иш кутиб туришади ёки 8-10 соатлик ишга жойлашишади. Ахир 60-70 сўм маош билан оилани (яна ками-кемтиги кўп бўлган ёш оилани) қандай тебрата олади! Қонунга биноан 30 ёшгача биринчи марта оила қурган ёшлар имтиёзли равишда уй-жой олиш ҳуқуқига эга. Бу нарса ҳам қоғозда қолиб кетмоқда. Уй-жойга муҳтож ёшлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Балки шу сабабга кўра ёш оилаларнинг ажралиши йилдан-йилга ошмоқда. Шу йилнинг 6 ойи ичида 1.165 оила бузилган. Уларнинг кўпи 30 ёшгача бўлган эр-хотинлардир.

Маиший шароитнинг талаб даражасида бўлмаганлиги, ёшларнинг бўш вақтларини яхши уюштирилмаганлиги оқибатида, улар ўртасида жиноят содир этиш ҳоллари ортмоқда. Ўтган йилнинг 7 ойи ичида 95 балоғат ёшига етмаган йигит-қиз жиноят қилган бўлса, 1990 йилнинг шу даврида улар томонидан 205 та жиноят содир бўлган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналаридаги шароит етарли эмас. Оилали талабаларга бу ерда ёмон кўз билан қарашади. Улар учун алоҳида хона ажратиб бериш ҳали қоидага айланган эмас.

Мактабгача тарбия муассасаларида жойлар танқислиги ҳамон ҳукмрон. Ёҳуд ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни олайлик. Тўғри, меҳнат қонунлари кодексида ёшлар учун бир мунча имтиёзлар бор. Аммо айрим турғунлик даврида лавозим курсисига ўтириб олган мансабдорлар ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиб келмоқдалар.

Вилоят Шўросининг апрель ойида бўлган сессияси номига Пастдарғом ноҳиясининг Ағрон қишлоғида яшовчи Г. Абдурмуродова томонидан ёзилган аризада ўзининг меҳнат ва оналик ҳуқуқлари оёқости қилинаётганлиги хабар қилиниб, ўз вазифасига тикланишда ёрдам беришни сўраган. Текширишлар шуни кўрсатдики, Г. Абдумуродова агросаноат комплекси моддий-техника таъминоти Улуғбек базасида омбор ҳисобчиси бўлиб ишлаган. Ҳомиладорлик таътилидан қайтгач, база директори С. Латипов томонидан вазифасига тикланмаган. Бағритош (бундан бошқача атаб бўлмайди) директор С. Латипов ҳатто вилоят суди президиумининг Г. Абдумуродовани ишга тиклаш ҳақидаги қарори бўлишига қарамай, ҳалигача ёш онани ишсизликда саргардон қилиб юрибди. Бундай «раҳбар»ларимиз кам-ми!

Шу сабабли ҳам вилоят комсомол қўмитаси қошида хўжалик ҳисобидаги ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи маслаҳатхона ташкил қилиш масаласига ўрин берилиши, жуда кераклидир.

Буларнинг ҳаммаси — муаммо. Муаммо бўлгандаям биринчи галда ечимини кутаётган муаммо. Шунинг учун ҳам вилоят Шўроси уларни ҳал этишнинг 1990-1993 йилларга мўлжалланган тадбирларини белгилаб олди. Дастлаб вилоят ижроия қўмитасида ёшлар ишлари билан шуғулланувчи бўлим ташкил этилиши лозим. Ҳозир ушбу масала кўриб чиқилмоқда.

Тадбирларнинг бошқа бандларига келганда шуни айтмоқчиманки, уларни бажариш катта маблағ талаб қилади. Ҳозирги иқтисодий-молиявий тангликни ҳисобга олганда — ижроси қийин.

Вилоят комсомол қўмитаси ҳам «олма пиш, оғзимга туш» деб қараб ўтирмаслиги керак. Ўз маблағлари ёки турли хўжалик ҳисобидаги ёшлар корхоналари ва ташкилотлари маблағларини тадбирларни амалга оширишга харж қилишлари зарур.

Сўнгги гапим — норозилик. Тадбирларда алоҳида қобилиятли ўқувчилар, талабалар — ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун «Истиқбол» жамғармаси ташкил этиш мўлжалланган. Кўпайиб кетмаяптимикин бундай жамғармалар! Шўро болалар жамғармаси, Тинчлик жамғармаси, Чернобиль жамғармаси, Орол жамғармаси, Навоий жамғармаси... Яхши ниятларимизни кимлардандир, қаерлардандир келадиган ё келмайдиган маблағларга кўз тикиб амалга оширишга ўрганиб қолмаяпмизми!

ЭЛНИ ТЎЙДИРАДИ, ЎЗИ - ЧИ?

БУ ТАНИШ ҲОЛАТ. Биз атрофимиздаги жуда кўп нарсаларга эътибор бериб-бермай яшаймиз. Яхшиямки, доно боболаримизнинг гапларини унутмаганмиз. Айбимизни, хатомизни тан олганлигимизни уларнинг бир оғиз гаплари билан ифодалаймиз.

Бу гал ҳам ана шу аҳли калонларнинг бири жонимизга оро киришини билдим.

«Ҳечдан кўра кеч бўлгани яхши». Ана энди ҳамма гапни очиқ айтса бўлаверади.

Яқинда бир ҳолатни бошимиздан кечирдик.

— «Ёш ленинчи» жамоа хўжалиги ҳақида нималарни биламиз?

Жавоб кўнгилни тинчитмас эди. Ноқулайда ахир.

«Ёш ленинчи» жамоа хўжалигининг макони Бухоро вилоятидаги Қизилтепа ноҳиясида. Жамоа хўжалиги раиси — Сайфулло Жалилов. Фирқа ташкилоти котиби — Мурод Мадалиев. Комсомол қўмитаси котиби — Нуриддин Жўраев. Пахта майдони — 598 гектар. Аҳолиси — 7200 нафар. Комсомол аъзоси — 400 га яқин. Коммунистлар — 105 нафар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси — 55 нафар, байналмилалчи жангчи — 11 нафар. Ўрта мактаб — 2 та; Доимий боғча — 3 та.

Қаҳрамон она — 20 нафар; 18 фоиз бола боғчага жалб этилган; ноль фоиз газлаштирилган. Тоза ичимлик суви билан таъминланиш ҳам ноль! 298 оила кам даромадли — камбағал. 14 нафар ота-онасиз қолган, балоғат ёшига етмаган болалар бор. Шукрки, улар болалар уйларига топширилмаган. Қишлоқдошлар, қариндошлар меҳридан баҳраманд.

Жамоа хўжалиги давлатдан қарздор бўлмаса-да, чўнтагида пули йўқ.

Сабаби нима?

Буни жамоа хўжалиги фирқа ташкилотининг котиби, иқтисодчи Мурод Мадалиев шундай изоҳлайди:

— Бу оддий мантиқ. Деҳқон элни тўйдиради — унинг меҳнатини қадрламасак аҳволимиз яхшиланмайди. Деҳқон бой бўлса — жамоа хўжалиги бой бўлади. Бизда полсиз, зах уйларда яшаётганлар бор. 1987 йили жамоа хўжалигининг 50 фоиз ери сабзавотчиликка ўтказилган. Ҳеч бир тайёргарликсиз. Натижада, етиштирилган маҳсулотни топширолмай чўчқахоналарга беришга мажбур бўлинган. Картошкадан умуман ҳосил олинмаган. Ҳолбуки, уруғлик картошка учун қанча маблағ сарфланган. Албатта, ўша йили мен бу ерда ишламас эдим. Лекин хўжаликнинг моддий томондан оқсашига ўша ўйланмай қилинган ҳайбаракаллачилик салбий таъсир қилмай қолмаган. Хўжалик оқсаб қолган. Ҳозирги кунда нималардир. қилиняпти. «Ёш ленинчи» мактабининг янги биноси қурилиши бошланди. Қишлоқ амбулаторияси ҳам қуриляпти. Лекин ҳали одамларимизга яхши шароит яратиб бера олмаяпмиз. Маблағ бор жойдагина эркин нафас олиб, истаган яхшиликни рўёбга чиқариш мумкин.

Масалан, мен вилоят миқёсидаги нотиқман (лектор). Лекин одамларнинг қорни оч бўлса, менинг соатлаб ўқиган, чиройли далилларга бой маърузаларим кимга керак. 38 гектар мевали боғимиз бор. Лекин қайта ишловчи корхона, меваларни сақловчи омборларимиз йўқ.

Болалар боғчаларига борганда банкалардаги мураббоexternal ларни кўраман. Бир кило беҳи мураббоси — 3 сўм 10 тийин. Ўшандай мурабболарни нимага ўзимиз тайёрлашимиз мумкин эмас. Жуда арзонга тушади ҳар бир хўжаликда тайёрланса. Шунинг учун битта кичик цех очдик. 3 қиз ишлаяпти. Кунига 40-50 банка мураббо тайёрлаяпти. Лекин жуда қийин-қозон ўчоқда тайёрланаяпти.

Энди бу гапларни ҳозирча айтмай турсак ҳам бўларди. Дардимизни тинглайдиган «Ёш ленинчи»га бир дил ёрдик-да.

Хўжаликда дилга шуур улашадиган ишлар ҳам қиляпти. Рости бу юмушларга халқнинг ўзи бош-қош. Аҳиллик бари бир яхши-да. Ўша боисдан мачитлар тикланяпти. Ҳашар билан. Ёшми, қари кўмагини аямайди.

Ҳозирча шу гап. Айтмоқчи, жамоа аҳли «Ёш ленинчи» ижодкорлари билан учрашиш истагини ҳам билдирдилар. Таклифни рўзнома таҳрир ҳайъатига етказажагимни айтдим.

Г. АЛИБОЕВА.
«Ёш ленинчи» мухбири.

Кашшофлар ёзи





Болаларнинг ёзги таътил кунлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Яна бир неча кундан кейин ўқув даргоҳлари уларни ўз қучоғига олади. Шунда болалар тенгдошларига, устозларига нималар ҳақида кўпроқ сўзлаб беришаркин! Албатта, лагерь ҳақида-да! Бўстонлиқ ноҳиясининг Чорвоқ сув омбори қошида жойлашган «Шодлик» кашшофлар лагерида ором олган болалар ҳам таътил онларининг мароқли ўтганлиги ҳақида сўзлаб беришлари тайин.

СУРАТЛАРДА: лагерь шифокори Маликахон Асадова болалар соғлигини кўздан кечирмоқда; «Шодлик» (юқорида) ҳаётидан бир лавҳа.

Сураткаш:
Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

Долзарб мавзу

Ёлғизлатиб қўймаймиз

«Мен Ўш фожиасини миллатининг тайини йўқ боши бузуқлар, одам либосидаги маҳлуқларнинг бузғунчилиги деб аталишини истар эдим», деб ёзибди адиб Тоҳир Малик яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида эълон қилинган мақоласида. Дарҳақиқат, бу фожиани бошқача яна қандай баҳолаш мумкин?

Олинган маълумотларга қараганда, шу кунга қадар Ўзган, Олой, Ильич, Совет ноҳияларида 500—600 оила уйсиз ва 3000 дан ортиқ киши эса бошпанасиз қолган.

Яқинда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида «Ўшга ёрдам халқ қўмитаси» ўз ишини бошлади. Академик Иброҳим Ҳамробоев билан шоир Муҳаммад Али қўмитанинг ҳамраислари этиб сайландилар. Ҳисоб № 1700816. Андижон вилояти, уй-жой ижтимоий банки.

— Қўмитанинг асосий мақсади, — дейди қўмита раиси шоир Муҳаммад Али, — Ўшда, Ўзганда жабр кўрган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш, маблағ, пул, рўзғор буюмлари ажратиб бериш кўзда тутилган. Сал илгари Андижон шаҳрида махсус ҳисоб очилганди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Куйбишев ноҳияси 3628-омонат банкида 10728-ҳисобини ҳам очдик. Бу Ўш жабрдийдаларига ёрдам қўмитаси жамғармасини ташкил қилади. Ушбу ҳисобга маблағлар ўтказилиши мумкин.

Ўша ердан баъзилар жон сақлаб, баъзилар бошга тушганини унутай деб келганлар. Улар учун жой топишда ёрдам берилди. Асосан аёллар ва болалар учун Дўрмондаги ёзувчилар боғи, Тошкент денгизи, «Битовик» санаторийсидан жой ажратилди. «Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги» корхонасининг Бўстонлиқ уйига 32 бола жойлаштирилди Ҳозир болалар ўз уйларидагидек дам олишмоқда. Корхонанинг Ш. Низомхўжаев, А. Абдурасулов каби ходимлари, корхона касаба уюшмасининг раиси Т. Муҳидовалар азият чекканларга ёрдам кўрсатишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Яна Қизил Яримой Жамияти болаларни пул ва кийим-кечак билан таъминлашда яхши ёрдам бермоқда. 2-автокомбинатдан Ш. Қосимов, шоир Т. Мирзо, партия ходими И. Турсуновлар, Ёзувчилар уюшмасидагилар шу ҳисобга маблағ ўтказдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан М. Маликов, математика институтидан З. Эшқувватов, механика институтидан Б. Раҳмонов, М. Собиров, электроника институтидан А. Абдуллаев, «Алгоритм»дан Б. Латипов, Н. Ўрмонов, Л. Йўлдошева сингари илмий ходимлар жабрдийдалардан меҳр-мурувватларини дариғ тутмаяптилар. Зарар кўрганларга андижонликлар 70 минг сўмлик керакли буюмлар жўнатдилар. 27 минг тонна қовун-тарвуз етказиб бердилар.

Ўзган шаҳрида Одил Раимжонов деган шеърият шайдоси яшайди. Асли касби қурувчи. Қирғизистон халқ депутати. Унинг 15 мингдан зиёдроқ китобга эга ноёб кутубхонаси бўлиб, унда ўзбек, қирғиз ва рус тилларидаги китоблар жамланган эди.

Айниқса, унда адибларимизнинг биринчи чиққан китобларидан тортиб, ҳозирги кунги ёшлар китобларига қадар тўпланган эди. Афсус, бунинг барчаси ёниб кетди... Унинг учун ҳаммасидан ҳам кутубхонадан ажралиш жуда оғир бўлди. Яна бир бор шоир ва ёзувчиларимизга қарата айтар эдимки, китобларингизга дастхат битиб ушбу манзилга жўнатсангизлар катта ёрдам бўлар эди. Ҳозир янги кутубхона қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Макони қуйидагича:
Қирғизистон ССР, Ўш вилояти, Ўзган шаҳар, «Водхоз» кўчаси, 1-уй.
Одилжон РАИМЖОНОВга.

Хайрия ишларига қатнашганларга миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Жумҳуриятимиз зиёлилари қирғиз зиёлилари билан биргаликда фожианинг илдизини аниқлаш ва матбуотда кенгроқ, тўғри ёритишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки кўриб турибмиз, Фарғона, Душанбе, Паркент, Ўшда бўлган воқеаларнинг моҳияти бир хил, бир гуруҳнинг иғвогарлиги. Фитнанинг илдизи қаерда эканлигини батафсилроқ ўрганиш керак.

Турғунлик касофати «Ўзим бўлай — ўзим бўлай» деган худбинлик фалсафасини келтириб чиқарди. Халқларимизнинг душманлари бундан усталик билан фойдаланишди. Кимлардир Ўрта Осиё халқларининг тинч, осойишта ҳаёт кечиришларини сира-сира истамаяпти. Аммо эт билан тирноқни ҳеч замонда ажратиб бўлар эканми? Бир нарсага эҳтиёт бўлишимиз керак. Ҳар хил миш-миш, шов-шувларга учмаслигимиз лозим. «Қилич бирлаштирмас, балки айирар», деган эди бобокалонимиз Амир Темур.

Шу сатрларни ёзаётганимда ўзбек ва қирғиз халқларига қарата бир шоирнинг айтган сўзларига кўзим тушиб қолди: «Қадимдан бирга яшаб келган бир-бирига қондош бўлган халқлар. Бири қорачиғим, бири кипригим бўлган туркий халқлар нима бўлди сизга? Эҳ, юртдошлар, қардош қирғиз халқи! Нима ишлар қиляпмиз ахир? Замонлар ўтиб яшаб келган ота-боболаримиз туғилган она юрт. Улар оға-инидек ўсиб улғайганлар. Қиз олиб, қиз берган, тилимиз бир, динимиз бир, эътиқодимиз бир. Нимани бўлиб олишолмаймиз? Қайси йўлдан кетяпмиз, нимага интиляпмиз. Бу ҳеч қачон яхшиликка элтмайди. Элтмаган ҳам. Шундай экан «обрўйинг борида этакни ёп», деганларидек, кўзингизни очинг қардошлар ва қондошлар. Менинг жигаргўшаларим, диндошларим, тилдошларим...»

Биз ҳам адибнинг фикрлари ва чақириқларига юз фоиз қўшилган ҳолда яна шундай дегимиз келади:

Ўш, Ўзган ва бошқа жойлардаги ўт қўйиш, ур-йиқит ва қон тўкишлардан на қирғиз ва на ўзбек халқига сариқ чақалик ҳам наф теккани йўқ. Аксинча, азалий қондошлигимиз, оға-инichилигимиз азият чекди холос. Қалбларимиз озор чекди холос. Бир жумбоқнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб енгил-елпи хулосаларга келиш ақллиларнинг иши эмас. Шунинг учун ҳар қандай кин ва адоватларга чек қўяйлик. Азалий дўстлигимиз ришталарини янада мустаҳкамлайлик. Қариндош-уруғчилигимиз давом этаверсин!

М. МАВЛОНОВ,
«Ёш ленинчи» жамоатчи мухбири.

МАВСУМ ОЛДИДАН

1990 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Шу боисдан ҳам ноҳиямиздаги йирик саноат корхоналаридан саналган Ульянов пахта тозалаш заводида жорий йил ҳосилини қабул қилиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ишда, айниқса, корхонанинг комсомол-ёшлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Завод йигит-қизларининг ғайрати туфайли ўтган мавсум ҳосили қисқа муддатларда қайта ишланиб бўлинган эди. Бу ишда корхонанинг ёш пахта тозаловчиларидан Ойгул Ҳосилова, Зиёфат Ҳазратқулова, Гулнора Розиқовалар бошқаларга ўрнак кўрсатишди. Очил Ғаниев сменасида меҳнат қилаётган ана шундай ёшларнинг тадбиркорлиги туфайли ўтган мавсумда 270 тонна пахта қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказилиши режалаштирилган эди. Аммо улар маррадан ўзиб ишладилар. Белгиланган режадан анча зиёд — 300 тонна пахта қайта ишланиб, тўқимачиларга жўнатилди.

Ёш пахта тозаловчилар бугунги кунда ҳам унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар пахтакорлар етказиб беражак катта ҳосилни қабул қилиб олишнинг барча тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳозирга келиб ишдан бўшаган барча дастгоҳларни сифатли қилиб созлашга деярли улгуриб бўлинди. Шу каби тайёргарлик ишларида, айниқса, комсомол аъзоси Ойгул Ҳосилова ҳамкасбларига намуна бўлаётир. Дарвоқе, яқинда Ойгулнинг ҳаётида у учун қувончли воқеа юз берди. Завод коммунистлари унга катта ишонч билдиришиб, фирқа аъзолигига қабул қилишди.

Р. ҲАСАНОВ,
«Ёш ленинчи» штатсиз мухбири.

Жумҳурият янгиликлари

Ўзбек Шўро Қомуси бош таҳририяти ўзбек тилида иш юритиш методик қўлланмасини тайёрлади. Мазкур қўлланма корхоналар ва ташкилотлар учун фойдали бўлади. Қўлланмани ишлаб чиқишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг, Тошкент Давлат педагогика институтининг олимлари қатнашдилар. Методик қўлланмада типовой ҳужжатлар, кўрсатмалар, буйруқларни таржима қилиш юзасидан тавсиялар берилган. Бу ерда ўзбек тилида ёзилган аризалар, таржимаи ҳол, ишонч қоғозларининг намуналари билан танишиш мумкин. Ўзбек тилида иш юритиш чоғида фойдаланиладиган атамалар луғати ҳам бор.

Хорижадан хабарлар

ИРОҚ—ҚУВАЙТ: КУННИНГ АСОСИЙ МАВЗУСИ

Совет фуқароларини Қувайтдан олиб келиш ишлари тугай деб қолди. СССР Ташқи ишлар вазирлиги ахборот бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ю. А. Гремитских 20 август куни Москвада бўлиб ўтган брифингда ана шундай умидбахш янгиликни эълон қилди. У 123 кишидан иборат иккинчи гуруҳ ҳозирнинг ўзидаёқ Аммонга етиб олгани ва куннинг иккинчи ярмида Москвага етиб келиши кутилаётганлигини хабар қилди. 350 кишидан иборат учинчи гуруҳ шу куннинг ўзидаёқ Бағдоддан Аммонга етиб келиши керак.

Қолган 166 киши — чет элдаги совет муассасалари ходимлари ва мутахассисларнинг Бағдодга бориши 21 август кунига белгиланган. Совет фуқаролари Қувайтдан олиб чиқиб кетилганидан кейин Ироқдаги совет аёллари ва болаларини олиб кетиш режалаштирилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигининг вакили Форс кўрфазидаги вазиятнинг ривожланиб боришини шарҳлаб, Совет Иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бошқа барча аъзолари билан бирга 664-қарор учун овоз берганлигини таъкидлади. Бу қарорда Ироқдан Қувайт ва Ироқдаги ўзга мамлакатлар фуқароларининг дарҳол чиқиб кетишига рухсат бериш талаб қилинган ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланган. Бир қанча мамлакатлар фуқароларининг аҳволидан биз ҳам ташвишланмаслигимиз мумкин эмас, деб уқтирди дипломат. Бу муаммо халқаро ҳуқуқ, инсонпарварлик принциплари ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишнинг асосий нормаларига мувофиқ зудлик билан ҳал этилмоғи керак. Ўз навбатимизда биз бундан буён ҳам шу мақсадлар йўлида қўлимиздан келган барча ишни қиламиз, деб таъкидланди брифингда.

Шу муносабат билан БМТ ҳарбий-штаб комитетига аъзо бўлган давлатлар (СССР, АҚШ, ХХР. Буюк Британия, Франция) элчилари ва ҳарбий вакилларининг биринчи учрашуви тўғрисида эслатиб ўтилди. Совет ташқи сиёсий маҳкамасининг вакили бу учрашув «бизни ҳушёр торттирди» деди ва у ерда эришилган битимлар Форс кўрфазидаги танглик муносабати билан наф келтира олиши мумкин бўлган ҳарбий-штаб комитетининг иш бошлаб юбориши имконини бериши хусусида умид билдирди.

Брифингда Совет Иттифоқи можарони ҳал этиш учун катта куч-ғайратлар сарфлаётганлиги таъкидланди. Хусусан, вазиятни муҳокама қилиш учун Москвага Ироқ раҳбариятининг махсус вакили, инқилобий қўмондонлик кенгашининг аъзоси, Ироқ бош вазирининг ўринбосари С. Ҳаммадий келди. Айни пайтда СССР Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси М. Д. Ситенконинг бир қанча Араб мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У шу мамлакатлар раҳбариятлари билан шошилинч маслаҳатлашувлар олиб боради.

С. ЖАРКОВ,
СИТА дипломатик мухбири.



АҚШ ҳарбий қўшинлари ва ҳарбий техникасининг Саудия Арабистонига ташланиши Пентагоннинг Вьетнам урушидан кейинги энг катта транспорт операцияси деб баҳо олмоқда.

СУРАТДА: АҚШ Ҳарбий Денгиз кучлари «Антитам» ракета крейсери Форс кўрфазида.

АП—СИТА телесурати.

САМОЛЁТНИ ОЛИБ ҚОЧГАНЛАР ТАСЛИМ БЎЛИШДИ

ИСЛОМОБОД, 20 август. (СИТА мухбири Владислав Леганцов). Аэрофлотнинг ТУ—154 самолётини олиб қочган ва экипажни Карочига бориб қўнишга мажбур қилган террорчилар Покистон маъмурларига таслим бўлдилар.

Покистон маъмурлари шошилинч равишда ташкил қилган «Танглик гуруҳи» деб аталувчи гуруҳ рухсат бергач, бугун Москва вақти билан 12.40 да Карочи аэропортига қўнди. Гуруҳ самолёт учувчиларидан ёнилғи тугаб бораётгани тўғрисида хабар олганидан кейин қўнишга рухсат берди.

Самолёт қўнаётган вақтда аэропорт ёпиб қўйилди, учиш-қўниш йўлкасига эса махсус вазифаларни бажарувчи қўшин отрядлари, ўт ўчирувчилар ва шифокорлар бригадалари чақирилди. Карочидаги барча госпиталлар фавқулодда тайёрлик ҳолатига келтирилди.

ТУ-154 қўнганидан кейин аэродром чеккасидаги махсус туриш жойига олиб бориб қўйилди. Шундан кейин аэропорт ўзининг одатдаги фаолиятини давом эттирди.

Совет дипломатиясининг Покистондаги вакиллари иштирок этган музокаралардан кейин қароқчилар маҳаллий маъмурларга таслим бўлишга қарор қилдилар. Таслим бўлиш шартлари тўғрисида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ.

Покистон қонунларида самолётни олиб қочганлик учун ўлим жазоси кўзда тутилган. 1986 йил сентябрь ойида Карочида Покистоннинг махсус вазифаларини бажарувчи бўлинмалари «Пан Америкэн» компаниясининг самолётини ўғирлаган арабистонлик қароқчиларга ҳужум қилганида 22 киши ҳалок бўлган, бир неча ўн киши яраланган эди.

* * *

ТУ-154 совет самолёти йўловчилари ва экипажи озод қилинди, улар ҳаёти хавфсизлиги таъминланди. Бу ҳақда СИТА мухбирига СССРнинг Карочидаги бош элчихонаси вакили телефон орқали хабар қилди.

Аниқланган маълумотларга қараганда, самолётда 29 йўловчи бўлган. Самолётни Карочи аэропорти ходимлари текширишди, унга ёнилғи қуйишди ва учишга тайёрлашди.

ТУ-154 самолёти ўз йўловчилари билан душанба куни кечаси Карочидан Тошкентга учиб келди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АЙЁРЛИКНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚОЛМАДИЛАР

● АРИМА ШАҲРИДА ЯШОВЧИ (Гринидад ороли) Хесус Тегильеснинг уйига тинтувга келган полициячилар дастлаб анча гангиб қолдилар. Ҳар қанча синчиклаб қилинган текширув ҳеч қандай натижа бермади: на наркотик моддалар ва на қурол топа олдилар. Уй эгалари «полиция таклифига» қарши ғалаён кўтармоқчи бўлишган... Лекин полициячилардан бири ҳар эҳтимолга қарши деб болалар уйида сочилиб ётган ўйинчоқлар билан қизиққан. Маълум бўлишича, ҳақиқий автомат ва тўппончалар худди болалар ўйинчоғидек қилиб ишланган, чиройли коптоклар эса наркотик моддалар тўлғазилган контейнер экан.

ЁҒОЧ ҒИШТДАН ЯСАЛГАН УЙ

● АМЕРИКАНИНГ МИЧИГАН штатида яшовчи эр-хотин Вагнерлар уй қуриш учун ёғоч чиқиндиларидан 8500 та ғишт ясаганлар. Ёғоч ғиштнинг ҳажми 30,5х8,9х3,8 сантиметрдан иборат бўлган. Цемент қоришма ўрнига «ғишт терувчилар» «суюқ мих» деб номланган махсус қурилиш елимидан фойдаланганлар. Умумий майдони 135 квадрат метр бўлган уй олти ойда битган ва у эр-хотинларга 33 минг долларга тушган. Қурилишга ёғоч ғишт ишлатилганлиги туфайли 18 минг доллар иқтисод қилинган.

ИМТИЁЗГА ЛОЙИҚ

● ЛОНДОНДАГИ ЯНГИ ОЧИЛАЁТГАН балиқ ресторанининг эгаларидан бири рўзнома орқали ресторан очиладиган куни кимнинг фамилияси «балиқли» бўлса, унга ўша куни бепул хизмат кўрсатилади, деган эълон берган. Бундай имтиёзга эга бўлган мижозлар буни қарангки, унчалик кўп эмас — атиги 65 киши экан. Улар орасида жаноб Сом (Лаққа), Форель хоним ва ҳатто Селедка хоним ҳам бор экан.

СУНЪИЙ ЎРГИМЧАК ИПИ

● ЯПОНИЯНИНГ «КАНЕБО» фирмаси ўргимчак ипидан тўрт марта ингичка бўлган сунъий тола яратди. Бу толанинг Ердан Ойгача бўлган масофага етадиганининг оғирлиги атиги 5 килограмм келади. Агар бу масофа жарроҳликдаги тикиш ишларида қўлланиладиган ип билан ўлчанса, 10 тонна бўлар экан.

ПОДАНГИЗНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ!

● ДУНЁДА СЎРАШИШНИНГ ТУРЛИ хил шакл ва усуллари бор. Биров қўл олишиб кўришса, яна биров таъзим қилади ёки қўлини кўксига қўяди, баъзилар эса бир-бирига бурнини тегизади. «Салом!», «Хайрли кун!», «Сизга тинчлик тилайман!», «Сизни кўрганимдан ғоят хурсандман!» дейишади. Африканинг фақат мол боқиш учун шуғулланган масаи қабиласидагилар эса бир-бирларини кўрганда: «Подангизни аҳвол қандай?» деб сўрашишади.

Р. А. Руденко билан муҳокама қилинадиган масала ўз-ўзидан маълумки, жуда муҳим эди. Бундан ташқари бутун дунё яхши билган одам билан суҳбатлашиш имкони туғилганди. У Нюрнбергдаги машҳур суд процессида бош айбловчи сифатида қатнашиб аниқ, рад этиб бўлмас далиллар асосида фашистларнинг ваҳшийона қилмишларини фош этган, совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсоният иродасини ифодалаб, судланувчилар курсисида ўтирган гитлерчилар фашизми бошлиқларига олий жазо — ўлим жазоси берилишини талаб қилганди. Халқаро трибунал шундай ҳукм чиқарди ва фашист каллакесарлари осилишганди.

Котиб келганимни айтганида Роман Андреевич мени худди эски қадрдонлардай кутиб олди. У жуда содда, кўнгил одам экан. Гапларимни эшитгач, 1937—1939 йилларда бошқа жумҳуриятларда бўлган воқеаларнинг ҳамма тафсилотларини билмаслигини, лекин масъул ходимларга чуқур текшириб чиқишни топширишини, ўзи ҳам ўрганишини айтди. Сўнгра оқланиш юзасидан ариза ёзиб берганларнинг исми-шарифларини келтирган ҳолда асосли расмий таклиф киритишни таклиф этди. Суҳбатимиз давомида Ўзбекистон ҳақида гапирди. У менинг нимага қизиқаётганлигимни тушуниб, Нюрнбергдаги суд қандай ўтганлигини, судланувчиларнинг, шунингдек, АҚШ, Англия, Франциядан келган ҳакамлар ўзларини қандай тутганлари ҳақида гапириб берди. Прокуратура бош қотибаётган муаммолар, қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Уни Ўзбекистонга боришга таклиф этиб, қайтдим. Орадан кўп ўтмай прокуратура ходимларининг жумҳурият кенгашига келгани ва пахта майдонларида, узумзор боғларда бўлдик. Роман Андреевич Ўзбекистонда кўрганларидан мамнун бўлиб кетди...

Бош прокуратурадан қўнғироқ қилиб, бизни қизиқтирган ишларга оид йиғма материаллар тўпланганлигини маълум қилишди. Шу заҳоти Ҳ. Султонова ва М. Мусаевлар билан биргаликда Москвага учдик. Бизга фақат А. Икромов ва Ф. Хўжаевга доир материалларни беришди ва Зеленский ҳамда Ивановлар Москвада, марказий органларда фаолиятлари учун айбланганликлари туфайли бошқалар қатори уларнинг иши ҳам қайта кўрилмаслигини айтишди. Материаллар билан танишиб чиққач, батафсил хат тайёрладик ва бу ҳақда Тошкентга хабар бериб, Р. Е. Мельниковни таништирдик. Бир неча соатдан сўнг Роман Ефимович Ўзбекистон Компартияси МҚ бюроси аъзолари тузатиш киритмасдан маъқуллаганликларини айтди. Р. А. Руденко ўз номидан «троцкийчи ўнг блок»даги А. Икромов ва Ф. Хўжаевлар хусусида ижобий хулоса ёзиб, уларни оқлаш мумкинлигини билдирди.

А. Б. Аристов комиссияси ҳам бу хулосага қўшилди ва масалани ҳал этиш учун КПСС МҚ Президиумига киритди. Бироқ Президиум мажлисида муҳокама бошланиши биланоқ В. М. Молотов, Л. М. Кагонович ва яна бир неча киши қаршилик кўрсатишди. Никита Сергеевич мажлис қатнашчиларига А. Икромовнинг аризаси Сиёсий бюрода қандай муҳокама қилинганлигини эслатди ва В. М. Молотовга қараб шундай деди: «Сен, Вячеслав бу ишга қўл ургансан. Уни (менга ишора қилди) эшитгин ва масалани ижобий ҳал этишга кўмаклаш, биз эса бунга қўшиламиз». Президиум мажлисидан сўнг мен Вячеслав Михайлович ҳузурига кирдим. У мени илиқ қарши олди. Биргаликда 1953 йилни, Бериянинг ғовгарлиги туфайли мени Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раиси вазифасидан бўшатилишини ва жумҳурият Ташқи ишлар вазири этиб тасдиқланганимдан сўнг Москвага унинг олдига келганимни эсладим. Ўша пайтда В. М. Молотов КПСС МҚнинг Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи муовини, мамлакат Ташқи ишлар вазири эди. Менга ташқи сиёсий масалалар ва дипломатлик касби юзасидан йўл-йўриқлар берганди.

КПСС МҚнинг 1953 йил июль Пленумидан сўнг, Берия барча лавозимларидан бўшатилган, партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган ва Махсус Ҳарбий Трибунал ҳукми билан отиб ташланганди. Мени эса кўп ўтмай олдинги вазифамга тиклашганди. В. М. Молотов Бериянинг барча жиноятлар қилганини ва амалга оширмоқчи бўлганини гапириб берди. У Ўзбекистондаги вазият, халқнинг кайфияти, иқтисодиётдаги аҳвол билан қизиқди. Шундан кейингина мен унга Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарларини оқлаш тўғрисидаги илтимосимизни айтдим. Вячеслав Михайлович уларнинг иши Тошкентда қандай муҳокама қилинганлиги, нима қарорга келинганлигини суриштирди. Бу ҳақда батафсил гапириб, А. Икромов тўғрисидаги ўзи ва И. В. Сталин имзо чеккан хатни кўрсатдим. Хатни диққат билан ўқиди. Юзида бирон бир ўзгариш сезилмаса-да, кўнглида қандай «тўполон» бўлаётганлигини тушуниш қийин эмасди. «Бу иш билан Микоян шуғулланганди. Ушбу хатни эса Ежов билан Вишинский тайёрлашган, биз эса ўртоқ Сталин билан имзо чекқандик» деди у. Сўнг Аристовга қўнғироқ қилди: «Мен Икромов ва Хўжаевларнинг оқланиши тарафдориман», деди.

Эртасига бошқа ишлар билан Никита Сергеевичнинг олдига кирганимда унга В. М. Молотовнинг Аристовга сим қоққанлигини айтдим. «Биламан», — деди Н. С. Хрушчев. — Ижобий қарор қабул қилинди. Руденко ва Олий суд уларнинг оқланишини расмийлаштиришади». Унга ва Сиёсий бюро аъзоларига миннатдорчилик билдирдим. Бир неча кундан сўнг СССР Олий судининг Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг бутунлай оқланганлиги тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Энди ишнинг амалий томонини кўриб чиқайлик: А. Икромовга қандай айблар қўйилганди ва Ўзбекистон Компартияси МҚ нимага асосланиб уларни оқлашни сўраганди?

— А. Икромовни миллатчилик ҳаракатида қатнашганликда ва Турар Рисқулов йўлини қўллаб-қувватлаганликда айблашган. Гап шундаки, Турар Рисқулов (1894 йил Авлиё ота, ҳозирги Жамбул шаҳрида туғилган) 22 ёшида 1916 йилги машҳур қўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан бири бўлганди. 1917 йилнинг сентябрида ленинчи партия аъзолигига қабул қилинади. Октябрь инқилобини ғалаба қозонган Шўроларнинг V ўлка съездида (1918 йил 20 апрель — 1 май) РСФСР таркибида Туркистон Мухтор Шўро Социалистик Жумҳурияти тузилганлиги эълон қилинади. Т. Рисқулов Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг аъзоси қилиб сайланади. Сўнгра Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, Туркистон жумҳурияти МИҚ Раисининг муовини қилиб тайинланади, РКП (б) нинг мусулмон бюросини бошқаради. 1920 йил январида бўлиб ўтган Туркистон КПнинг V ўлка конференциясида Рисқулов «Миллий масала ва миллий коммунистик секциялар» тўғрисида қилган маърузасида Туркистон Коммунистик партиясини «Турк Коммунистик партияси» деб, Туркистон жумҳуриятини «Турк жумҳурияти» деб ўзгартириш ғоясини илгари сурди. Рисқуловнинг жумҳурият номини ва ўлка партия ташкилотини қайта номлаш тўғрисидаги таклифини бир қанча делегатлар танқид қилишса-да, лекин кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Мусулмон коммунистик ташкилотларининг III конференциясида ҳам худди шундай бўлди. Бу қарорлар Тошкентда Туркомиссия ва Москвада РКП (б) томонидан, раҳбарлар, шунингдек «қарши» ва «тарафдор» томонлар вакиллари иштирокида диққат билан кўриб чиқилди.

Қайта номлаш қўллаб-қувватланмади. Бунга норозилик билдириб Рисқулов тарафдорлари Туркистон КП ўлка қўмитаси таркибидан чиқишди. 1920 йил 19 июлда Туркистон КП ўлка қўмитаси тарқатиб юборилди, кейин сайловлар асосида вақтли Туркистон КП МҚ тузилади. Рисқулов Москвага, Ленин ҳузурига боради. Уни қабул қилган Владимир Ильич Ленин Рисқулов билан узоқ суҳбатлашади. У ўз хатосини тушунади. Дастлаб Рисқулов Миллатлар халқ комиссарлиги коллегиясининг аъзоси, сўнгра Халқ комиссарлиги ўринбосари этиб тайинланади. 1922 йилда РКП (б) МҚ қарори билан Рисқулов Тошкентга қайтади ва Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Кенгашининг Раиси ва РКП (б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси аъзоси этиб тайинланади. Бироқ жумҳурият миқёсидаги ходимлар унинг ҳаракатларини «миллий оғиш» ва «пантуркчилик» иллатлари деб баҳолайдилар ва ўртада яна ихтилоф чиқади. РКП (б) Марказий Қўмита Рисқулов тўғрисида ғайриқонуний қарор қабул қилади. Сиёсий бюро уни РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши Раисининг ўринбосари этиб тасдиқлайди. Рисқулов бу лавозимда 11 йил ишлагач, 1938 йили олий жазога ҳукм қилинади.

Шундай қилиб 1937 йилда А. Икромовни Рисқуловнинг ҳаракатларига қўшилганликда айблашди. Ваҳоланки у партияга 1918 йилда аъзо бўлиб ва ўша йиллари Фарғона водийсида партия ва шўро органларида оддий вазифаларда ишлаган. Албатта ёш зиёлилар ўз доираларида турли масалаларни муҳокама қилишган, айниқса ёшлар ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган Рисқуловга нисбатан меҳр-муҳаббатларини билдирган бўлишлари мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Бироқ бу 20-22 ёшли йигитни фаол

4

миллатчи ва пантуркчиликда айблашга асос бўлмайди, деб ишонган эдик.

— А. Икромовни ўзининг 1923 йилда троцкийчиларга алоқадор бўлганлигини Ўзбекистон партия ташкилотидан яширганликда айбланиши шунга асосланганки, ўша йили И. В. Сталин раислигида РКП (б) МҚ да иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар раҳбар ходимларининг кенгаши

ҲАҚИҚАТ ЎЛМАЙДИ

Нуриддин МУҲИТДИНОВ

ЁҲУД ЛЕНИНЧИ БОЛЬШЕВИК АКМАЛ ИКРОМОВНИНГ ҚАНДАЙ ОҚЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА

бўлиб ўтганди. Унда икки масала: Султон Галиевнинг иши (панисломчилик) ва партия XII съездининг миллий қурилиш бўйича қарорларини тадбиқ этиш чоралари муҳокама қилинганди. Ўша пайтда Икромов Свердлов номидаги Коммунистик дорилфунунда (1922—1924 йиллар) ўқирди. У ҳам кенгашда сўзга чиқиб, деҳқонлар аҳволининг яхшиланиши, саводсизликни тугатиш, миллий кадрларни тайёрлаш ва кўтариш жуда секинлик билан бораётганлиги тўғрисида гапирди. Сталин уни танқид қилди. Ўша йиллари Сталин ва Троцкий ўртасида кескин келишмовчилик бўлганлиги, Троцкий кўпгина масалаларда Сиёсий бюро ва Бош секретарь тутган йўлга қўшилмаслигини очиқ-ойдин айтганлиги учун орадан 14 йил ўтгач буни эсга солишди ва Икромовга «троцкийчи» деган ёрлиқ ёпиштирилди. Биз бунга ҳеч қандай асос йўқлигини исбот қилдик.

«18 лар гуруҳи»га ҳомийлик қилганлиги тўғрисидаги айби. Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида А. Каримов бошчилигидаги жумҳуриятнинг кўзга кўринган 18 арбоби ер-сув ислоҳотининг ғоятда қисқа муддатда тезлик билан ўтказилиши белгиланганига, қулоқларни тугатишга бир ёқлама ёндашилганига ва колхозлар тузилишидаги шошма-шошарликка қарши чиқишганди. МҚ Бюроси ва жумҳурият ХККга тазйиқ ўтказиш мақсадида истеъфога чиқиш тўғрисида баёнот беришди. Бироқ уларнинг ҳаракатлари қўллаб-қувватланмади, аксинча қаттиқ қораланди. Ўзбекистон большевиклар Компартиясининг II съездида улар ўз хатоларини тан олишди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди. Бироқ терговчилар бу арбобларнинг ҳаракатлари учун ҳамма айбни Икромов зиммасига юклашди. Буни ҳам биз қораладик.

Айблов хулосасида А. Икромов ўзининг «миллий истиқлол» деб аталган, Ф. Хўжаев эса «миллий иттифоқ» деб аталган гуруҳларига эга бўлишган ва гўё 1930 йилда Бухарин ҳамда Антиповларнинг маслаҳати билан бу икки ташкилот бирлашган, деб таъкидланади. Тергов материалларида ҳам, айрим гувоҳларнинг кўрсатмаларида ҳам шу қайд қилиниб, буни А. Икромов ва Ф. Хўжаевларнинг ўзлари ҳам тан олишган. Бироқ бу ташкилотларнинг таркиби, аъзолари, фаолият формаси, устави, программаси ёки бошқа бирор расмий материаллари, ҳужжатлари келтирилмаган. Ваколатли олимлар бунга аниқлик киритишлари мумкин эди. Лекин ўша вақтда бу ҳақда ҳеч қандай ҳужжат йўқлигини айтдик.

Сўроқ давомида зараркунандаликда қўйилган айблар:

пахтачиликда 1935 йилда Икромов, Любимов (енгил саноат халқ комиссари) ва Ф. Хўжаевлар намлиги кўп бўлган пахтани қабул қилиш тўғрисида биргаликда кўрсатма беришган. Натижада 14 минг тонна пахта яроқсиз ҳолга келган;

қоракўлчиликда — 1937 йилда қўзиларга яхши қаралмаганлиги туфайли қоракўл терисининг 28 фоизи сифати тушиб кетган;

қурилишда — Наманган шойи тўқиш фабрикаси ва пахта тозалаш заводи, Чирчиқ кимё комбинати, Қувасой ГЭСи, Хилковск цемент заводлари қурилишида графикдан ортда қолинган;

қўпорувчилик — Фарғона водийсига сув тақсимловчи Ровотхўжа тўғонини портлатишга бўлган уринишнинг олди олинган;

чорвачиликда — беда экиш плани бажарилмаган ва озуқа базасига ҳамда алмашлаб экишга зарар келтирилган. Сунъий равишда аҳолининг норозилигини уйғотиш мақсадида полиз маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш топшириғи бажарилмаган, дейилган.

— Сталин ва Молотовнинг Ўзбекистон КП (б) МҚнинг пленуми номига ёзилган хатида: «ўрт. Икромов буржуа миллатчилари ва ўзбек халқининг ашаддий душманлари (Ф. Хўжаев, Хўжанов, Болтабоев, Тожибоев ва бошқалар)га нисбатан сиёсий кўрлик қилибгина қолмай, баъзан уларга ҳомийлик ҳам қилган», дейилган. Ўзбекистон КП (б) МҚнинг III пленуми қарорида эса: «Икромов ҳозирги кунда ҳибсга олинган халқ душманлари — Каримов, Цехер, Болтабоев, Шермуҳамедов ва бошқаларни ҳимоя қилган ҳамда фош этилишига халақит берганлиги, улар билан яқиндан алоқада бўлиб, оддий партия аъзоларининг ашаддий халқ душмани Ф. Хўжаевни танқид қилишларига йўл қўймаганлиги» таъкидланади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Акмал Икромов улардан кўпчилигини ҳимоя қилганди, ёнини олган. Бироқ қаттиқ тазйиқдан сўнг охир оқибатда «махсус кенгаш» қарорига имзо чекади. Файзулла Хўжаевга келсак, у 1937 йил июнда ўтган Ўзбекистон КП (б) нинг VII съездида жумҳурият ХКҚнинг Раиси, ВКП (б) Марказий Тафтиш комиссиясининг аъзоси, СССР МИҚ раисларидан бири, мамлакат олий ҳарбий мудофаа кенгашининг аъзоси бўлгани ва съезд президиумида ўтиргани ҳолда миллатчилик ва бузғунчилик фаолиятида айбланиб МҚ таркиби сайланмаганди. VII съезд 17 июнда ўз ишини тугатди. Ф. Хўжаев уч кун юрак ўйноғи бўлиб ётди ва 21 июнда ишга чиқди. Иш кунининг охирида Ўзбекистон ССР ХККнинг кундалик ишлар юзасидан қабул қилган 840 номерли қарорига имзо чекди. Бу қарор у раҳбарлик қилган ҳукуматнинг ўзи имзо чеккан сўнгги ҳужжати бўлди. Тунда онаси, рафиқаси ва қизини олиб поездда Москвага жўнади ва... қайтиб келмади.

5

Ўз навбатида юқорида номлари тилга олинган жумҳурият арбоблари ҳам сўроқларда ва юзлаштиришда А. Икромовни турли-туман хатоларда ва жиноятларда айблашди. Буларнинг ҳаммаси Вишинскийнинг узундан-узоқ нутқига асос бўлди. Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарлари шу тариқа бир-бирларини Сталин кавлаган жарликка йиқитишди...

Бошиданоқ Икромовга қарши материалларни Ягода ва унинг Тошкентдаги югурдаклари тўплашганди. Тақдир тақозоси билан ғовгар Ягода ва унинг қурбони Икромов битта иш бўйича жавобгарликка тортилишди. Судланувчилар курсисида ёнма-ён ўтиришди, олий жазо — отишга ҳам биргаликда, умумий ҳукм бўйича ҳукм қилинишди.

Ҳаммасидан ҳам А. Икромовга Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш, партия, давлат раҳбарларини жисмонан йўқотишга, социалистик тузумни тугатишга ҳамда капитализмни тиклашга қилишга бўлган уринишда; фашистлар Германияси ва милитаристик Япония билан ҳамкорликда айбланган Бухарин ҳамда Риковлар ила яқин алоқада бўлгани ва ўзаро қўллаб-қувватлаганликлари билан Ўзбекистонда Англияга тобе бўлган буржуа-миллатчи давлат тузиш тўғрисидаги қўйилган айб мутлақо асоссизлигини айтдик.

Суд ва тергов материаллари билан танишиб чиқарканса‌н, мамлакат ва жумҳуриятнинг таниқли, синалган, обрўли арбобларига нисбатан бу қадар жиддий айблар қандай тўқиб чиқарилганлигига ҳайрон қоласан киши. Биргина мисол, гўё 1936 йилда Бухарин, Антипов, Ф. Хўжаев, А. Икромовлар ўзаро шунга шартлашишган: Ўзбекистонда янги тузум ўрнатиш учун кураш бошланганда, Ф. Хўжаев ишончли киши орқали Англиянинг Кобулдаги элчихонаси раҳбари билан махфий алоқа ўрнатади ва Англиянинг ёрдами тўғрисида келишилади. Ёрдамнинг эвазига Ўзбекистоннинг янги ҳукумати жумҳурият устидан Англия протекторати ўрнатилишига розилик беради. Бироқ Ф. Хўжаевнинг ҳам, А. Икромовнинг ҳам бу масалада на Кобулда, на бошқа жойда «ишончли» кишилари бўлмаган ва инглизлар билан ҳеч қандай алоқа ўрнатишмаган. Бу айбноманинг бошқа жиҳатлари ҳам худди мана шундай асоссиз.

Фикримча, бунинг сабаби бошқа ёқда. Туроцкийнинг ўлими, атоқли большевик, Лениннинг содиқ шогирди Сергей Миронович Кировнинг ваҳшиёна ўлдирилиши ва Зиновьев ҳамда Каменевлар отилгандан сўнг Сталиннинг тўла шахсий ҳокимияти ўрнатилишига ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ Н. И. Бухарин ҳалақит берарди. Бухариннинг назария ва сиёсатдаги йирик масалаларда тутган йўли, МҚ ва Сиёсий бюронинг ички ва ташқи сиёсат бобидаги фаолияти хусусида ўз қарашларини очиқ-ойдин айтиши, В. И. Лениннинг таълимоти ва васиятини чуқур таҳлил этиб, омма ўртасида кенг тарғиб қилишни юқори лавозимлардан четлаштирилганлигига қарамай унга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотарди ва айни пайтда Сталин, унинг тарафдорларида норозиликни кучайтирарди.

А. Икромов буларнинг ҳаммасини билгани ҳолда, партия ва давлатда катта эътиборга эга ҳамда йирик жумҳуриятлардан бири Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбари бўлишга қарамай Н. И. Бухарин билан яқин дўст эди. 30-йилларда Н. И. Бухарин уч марта Ўзбекистонда бўлади. Бир сафар эса нақд 8 кун А. Икромовнинг уйида яшаган. Албатта улар фақат биргаликда овқатланиш, дам олиш, овга бориш билангина чекланиб қолмай, сиёсат, назария, стратегия, тактика, жойларда ва марказдаги амалий иш муаммолари хусусида суҳбатлашишар, баҳслашишар, муҳокама қилишарди. Бинобарин уларнинг қарашлари ва тутган йўллари аксарият ҳолларда бир хил бўларди. Бундан усталик билан фойдаланган жумҳурият миқёсидаги амалпарастлар-у, Сталин теварагидаги тилёғламачи унсурлар Бухариннинг дўсти ва ҳамфикридан «Икромов иши»ни ясашди. Афтидан унинг тақдирини ҳал этган асосий сабаб, ҳам мана шунда.

А. Икромов В. И. Ленинни албатта биларди, кўрган, пленум, конференция, фирқа съездларида, СССР МИК сессияларида унинг нутқларини эшитган. Шахсан қабулида бўлганми-йўқми — буниси менга номаълум. Бироқ асосийси у Владимир Ильич асарларини қунт билан ўрганар, унинг таълимотини қатъий ҳимоя қилишга ва ҳаётга тадбиқ этишга интиларди.

Сталиннинг А. Икромовга бўлган муносабатига келсак, шуни айтиш керакки, Акмал Икромовнинг арбоб сифатида шаклланиш даври, кўтарилиши, ВКП (б) МҚга, МИҚ ва СССР Олий Шўросига сайланиши, тармоқ котиби лавозимида ишлаши, сўнгра Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби вазифасини эгаллаши ва ниҳоят ҳалок қилиниши Сталин ВКП (б) МҚ Бош котиби бўлган даврга тўғри келади. Москвалик баъзи танишларимнинг айтишича Сталин Икромовга яхши муносабатда бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, агар шундай бўлмаганда Икромов партия ва давлат органларида бунчалик юксак мансабларга эришолмасди. Сталин уни ўзига яқин олиб юргани, кўпинча унга қулоқ солгани ҳам маълум. Бундан ташқари Сталин қатъий, ўз фикрини ҳимоя қила оладиган кадрларни, иродали ва ишчан ходимларни ҳурмат қиларди. Акмал Икромов эса худди ана шундай эди.

1937 йил ёзида Икромов боши узра пайдо бўлган қора булутлар қуюқлашганда, у ВКП (б) МҚ Сиёсий бюросига ариза ёзган. Бу ариза ўзининг иштирокида, Сталин раислигида муҳокама қилинган. Н. С. Хрушчев ана шу мажлисда қатнашган. Унинг менга айтишича, Икромов жумҳуриятдаги аҳвол, ўзининг иши ва юриш-туриши ҳақида очиқ-ойдин, ҳеч нарсани яширмай гапириб берган. Шундан сўнг уни қабулхонада кутиб туришини айтишди. Сиёсий бюро аъзолари ва таклиф этилганларнинг ўзлари қолишгач, Сталин: Икромов гарчи хатоларга йўл қўйган бўлса-да, ҳалол одам деган. Афтидан бу сўзларни у чин дилдан айтган. Аммо айрим Сиёсий бюро аъзолари ва МҚ котиблари Икромовга ишончсизлик билдириб, кескин қарши чиқишган. Никита Сергеевичнинг сўзларига қараганда, ўша пайтда Ўрта Осиё бўйича мутахассис ҳисобланган Кагонович касаба уюшмаларида ишлаб юрган пайтида дўстлашиб қолган Ўзбекистондаги айрим раҳбар ходимлар билан бўлган суҳбатларига асосланиб Икромовни қаттиқ қоралаган. Муҳокама Котибатига ҳамма материалларни ўрганиб чиқиш ва таклиф тайёрлаш тўғрисида топшириқ бериш билан тугади.

Шундай саволлар туғилади:

Қандай қилиб Икромовга нисбатан охирги чорани кўришни таклиф қилган Сиёсий бюро аъзолари Сталиннинг унга нисбатан хайрихоҳлигига қарамай кўзлаган мақсадларига эришдилар?

Нима учун Икромов тўғрисида яхши фикр билдирган Сталин шу қадар шафқатсиз таклифга рози бўлди?

Сталин ўз ҳокимияти ва мавқеидан фойдаланиб, фикрининг қабул қилинишига эриша олармиди?

Албатта эриша оларди.

Унда нима учун шундай қилмади?

Бу саволларнинг ҳаммасига бир хилда жавоб бериш мушкул. Бироқ ишонч билан айтиш мумкинки, Икромовнинг Бухарин билан яқин эканлиги исботлангач, Сталиннинг унга нисбатан бўлган муносабати бутунлай ўзгарган. Зеро, Сталин учун Икромовни сақлаб қолишдан кўра уни Бухарин билан бирга «тинчитган» маъқул эди. Шунинг учун ҳам бу масалада у ўзига тобе бўлган Сиёсий бюро аъзолари билан тортишиб ўтирмади. Ва ниҳоят Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги қатор раҳбар ходимларининг Икромов тўғрисида нодўстона фикр билдирганликлари ҳам бу масалада муҳим роль ўйнади.

Таассуфки, Акмал Икромовнинг таржимаи ҳоли айрим хатолар билан берилган. Шу ўринда мен унинг ўғиллари тўғрисида тўхтаб ўтмоқчи эдим. У биринчи рафиқаси Ҳанифа билан ажрашган, бу пайтда ўртада фарзандлари бўлиб, ўғлининг исмини Ургут деб қўйишганди. Иккинчи марта 1922 йилда, Москвада ўқиб юрган пайтида Евгения Львовна Зелькинага уйланади. Е. Л. Зелькина 1919 йилдан партия аъзоси, аграр масалалар бўйича мутахассис бўлиб, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Эри билан деярли бир вақтда қатағон қилинган ва оқланган. Улардан ёдгорлик бўлиб, Комил исмли ўғиллари қолган.

(Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).

6

Бепоён менинг Ватаним



Яшашдан мақсад нима? Ҳар ҳолда дунёга жимгина келиб шу тақлид яшаб кетиш эмас. Шунинг учун ҳам эсимизни таниб-танимай қалбимизда турфа орзулар туғиб топади. Ёшимиз улғайган сари уларнинг сараги саракка, пучаги пучакка чиқа бошлайди. Ниҳоят, улардан бирини танлаймиз ва бу танлаш кейинги ҳаётимиз учун асосий ҳал қилувчи қадам бўлади.

Суратдаги бир гуруҳ ёшларга бир қаранг. Энг замонавий йигит-қизлар, тўғри эмасми? Лекин улар оддий, ҳар куни шаҳар кўчаларида хандон отиб юрадиган ёшлар эмас. Улар АҚШнинг Теннеси штатидаги диний ўқув юртининг талабалари. Улар кўҳна Ленинграднинг кўчаларидан бирида жойлашган эски ибодатхонанинг таъмирлаш ишларида қатнашишди. Диндор ёшлар ўзининг бир ойини шундай ўтказишди. Худонинг уйини таъмирлашга оз бўлса-да, ҳисса қўшишди. Буни эътиқодга садоқат деб тушунсак хато бўлмас.



Бизга таниш бўлган денгизчилар кийимидаги йигит ҳам ўз орзу эътиқоди учун курашиб, интилиб яшайди. У Ленинграддаги С. М. Киров номли Қизил байроқли сув ости сузуви ўқув отряди толиби. Билим юрти бу йил баҳорда ўзининг 95 йиллигини нишонлади. Мазкур отрядни битирганларнинг 38 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган шарафли унвонни олишга сазовор бўлишган. Жанговар тайёргарлик аълочиси Сергей Чекалин (суратда) ўз оғаларидек хизмат қилишни орзу қилади.



Дмитрий Поднозов (суратда) ҳам ҳаётда ўз ўрнини топганлардан. У «Особняк» театри (Ленинград) артисти. Унинг иштирокидаги спектакллар томошабинларга жуда манзур бўлмоқда.

Н. АДАМОВИЧ ва Ю. БЕЛИНСКИЙ суратлари.
(СИТА сурат хроникаси).

«Обуна—91»

«Ёш ленинчи» муштарийларига

Халқимизда «Жўжани кузда санайдилар» деган нақл бор. Бу мақолни биз, қалам аҳли деҳқонларга, хусусан пахтакорларга қиёс қилиб кўп ишлатардик. Энди эса бу иборанинг биз учун ҳам зарур бўлиб қолганини шу дамларда ҳис қилиб турибмиз. Ким ўйлабди, йил, ҳатто ёз бошларида ҳам рўзнома ва ойномалар нашри янги йилдан бошлаб қиммати бир неча баробар ошиб кетади деб. Ҳеч кимнинг хаёли у ёқда турсин, ҳатто тушига ҳам кирмаганди.

Энди баҳорда режалаштирилмаган жўжани санашга тўғри келиб қолди. Келинг, ўхшатишларни бир ёққа қўя туриб, севимли рўзномангиз «Ёш ленинчи» ҳақида фикр юритайлик.

Хўш, келгуси йилда «Ёш ленинчи» қандай бўлади? Аввало кўплар қатори унинг ҳам обуна нархи ошади. Бошқа нашрларга ўхшаб икки, ҳатто уч баробар эмас, балки салкам икки марта. Бу йил обунага 6 сўм 60 тийин тўлаган бўлсангиз, келгуси йил учун ҳамёнингиздан 12 сўм ажратасиз. Бу сиз ёки ўғил ва қизингиз учун анча оғирлик бўлишини яхши биламиз. Нонложмиз. Бу ҳали кўзлангандан анча арзон. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг тегишли бўлимлари ва унинг котиблари елиб-югуришлари эвазига шундай арзон баҳоландик. Бўлмаса...?!..

Биз рўзномамизни бутун вужуди билан севадиган, у ҳақда жон куйдирадиган ва қайғурадиган жуда кўп муштарийлари борлигини яхши биламиз. Улар ўзбек халқи учун қайси нашр кўпроқ жон куйдираётганини, буннинг учун анча курашишга ҳам тўғри келаётганини дилдан ҳис қилишади. Ошкоралик ва демократияни ҳамма ҳам тўғри тушуниб етмаяпти. Қайта қуриш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу сўзларни тез-тез тилга олиб, ҳаётда унга амал қилмаётганлар талайгина.

Бизнинг ижодкор жамоамиз келгуси йилда рўзномани янада жанговар ва ошкора, халқсевар нашрга айлантириш учун изланмоқда. 1991 йил жуда кўп нашрларни сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарадиган йил бўлади. Шунинг учун ҳам биз муштарийларимизга жаннатни ёки анқонинг уруғини ваъда қила олмаймиз. Лекин рўзномамиз саҳифаларида она тарихимизнинг ҳали ёзилмаган саҳифалари, халқимиз тилига тушган қаҳрамонларимиз, улуғ сиймоларимизнинг энг нодир асарлари ва улар ҳақидаги қизиқарли туркум мақолаларни «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» ҳамда «Меросимизни ўрганамиз» ойнасўзлари остида эълон қиламиз. Сизни қардош жумҳуриятларда, хорижда юз бераётган воқеалар, ажабтовур ҳодисалар билан ҳозиржавоб тарзда таништириб боришга ҳаракат қиламиз.

«Нуқтаи назар» ойнасўзи остида эълон қилинадиган баҳсли ўткир публицистик мақолалар келгусида ҳам рўзноманинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Биз бу ойнасўзга жумҳуриятимизнинггина эмас, балки мамлакатимиз, хусусан Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Озарбайжоннинг таниқли қалам соҳибларини, сиёсатчиларини, ўзининг дадил фикрларига эга бўлган кишиларини жалб қиламиз.

Жумҳурият ҳаёти, унинг ибратли ишлари ва муаммолари, ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмаётган комсомол турмуши, ёшлар тарбияси рўзноманинг асосий йўналишини ташкил қилади. Биз эндигина ҳаёт сўқмоқларига қадам қўяётган, муҳаббатнинг тотли, ҳеч қайтарилмас ҳиссиётларига берилган йигит ва қизларга атаб туркум мақолалар, саҳифалар сонини анча кўпайтиришни режалаштираяпмиз. Шу билан бирга ёшларга ота ва боболаримизнинг ибратли ишлари, меҳр ва оқибат, дўстлик ва инсонийлик бурчлари ҳақида ҳикоя қиламиз ва уларга сўз ҳам берамиз.

Рўзнома бегуноҳ жабрланган ҳар бир ёшнинг, жумҳурият фуқаросининг жасур ҳимоячиси бўла олади. Унинг жасур ва ишбилармон журналистлари ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун бутун имкониятларини ишга солиб курашишга қодир. Буни улар бир неча бор исботлашган.

Мен бугунги муштарийларга мурожаатимда рўзномамизнинг бутун фаолиятини тўла-тўкис айта олмайман. Ёш ижодкор ва санъаткорларга бериладиган эътибор, халқимизнинг нодир ёдгорликлари, Шарқ табобати, учар ликопчалар... Тилга олинмаган фикрлар, айтилмаган сўзлар ҳали анча. Уларнинг ҳаммасини, айниқса, рўзномада келгусида рўй берадиган янгиликларни айтиш ноўрин. Бу ижодкор жамоамизнинг сири. Чунки биз, яъни «Ёш ленинчи» ижодкорлари ўз сўзларининг устидан чиқадиган журналистлармиз.

Ҳадемай 1 сентябрь келади. Обуна бошланади. Энди жўжаларни биз эмас, сиз санайсиз. Қайси нашр сизга маъқул бўлса, ўшанга ёзилинг. Кимки ўз юртини, халқини севса, чин ватанпарвар бўлса, шу «Ёш ленинчи»га обуна бўлади. Меҳрибон ота-оналар ўғил ва қизларидан 12 сўмни аямайди. Биз ҳам қараб турмаймиз. Муштарийларимизга ҳатто 12 минг сўмгина эмас, балки миллион-миллион сўм тўплаб ҳам тополмайдиган фондни туҳфа этишга ҳаракат қиламиз.

Мен рўзномамиз таҳрир ҳайъати, бутун жамоаси номидан муштарийларимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва юртимизда ҳамиша тинч-тотув яшаб, ёруғ юз билан учрашиб туришимизни истайман.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
«Ёш ленинчи» муҳаррири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола эълон қилинаётган пайтда рўзномага Фарғона ва Хоразм вилоятлари комсомол қўмиталаридан шошилинч хабарномалар келди. Уларда ёзилишича, бу вилоятлар ҳузурида «Ёш ленинчи»га обуна жамғармалари ташкил қилинибди. Жамғарма ногирон ва камбағалли оилалардаги ёшларни «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна қилиш билан таъминлайди. Биз бу икки вилоят комсомол қўмиталарининг ибратли ишга қўл уришганини чин дилдан қутлаймиз ва уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шу билан бирга жамғармага ўзининг холисона ёрдами билан маблағ ўтказиб, ўз ватанпарварлигини намойиш этишга қодир бўлган кишилар, ташкилотлар учун ҳисоб счётларини ошкор қиламиз.

● Фарғона вилоят комсомол қўмитаси Фарғона шаҳар ижтимоий-турар-жой банки. Ҳисоб № 000700306.

● Хоразм вилоят комсомол қўмитаси. Урганч шаҳар ижтимоий-турар-жой банки. Ҳисоб № 000700604.
«Ёш ленинчи» обуна жамғармасига. деб ёзишни унутманг.

Бундай фидойи одамлар ва ташкилотларнинг номларини «Ёш ленинчи»—91» ойнасўзи остида батафсил ёритиб борамиз.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙ! Сизда ҳам рўзномамизни янада қизиқарли, ўқишли ва оммабоп қилиш учун фикр-мулоҳазалар бордир. Уларни ҳеч тортинмай бизга ёзиб юборинг. Бизнинг манзилгоҳ сизга маълум. Уни яна бир бор эслатиб ўтамиз: ТОШКЕНТ шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32. «Ёш ленинчи» рўзномаси.

«Обуна—91» белгисини қўйишни унутманг!



Унута олмайман

новелла

Ижара хонамга кирсам, ҳеч ким йўқ. Ҳамхоналаримдан бири Холмирза кутубхонага кетган, Исмоил эса қайсидир фандан бўлаётган семинарда қатнашаяпти. Ташқаридан уй эгасининг фарзандларига бақиргани эшитилиб турарди.

— Шоҳида, нима қивотсан? Бекит кранни, ҳозир калтак ейсан.

— Ҳеч нарса қивотганим йўқ. Ойи, яна озроқ ўйнай...

— Чакагингни ўчир девомман Шоҳи...

Бир зумдан сўнг ҳовли тинчиб қолди. Бека ҳам уйга кириб кетди. Хаёлимга Сиз келдингиз. Сизни ўйлаб қўлимга қалам олдим.

Онажон, кўнглингизга олмангу, ёнингизда бўлган пайтларим сизнинг қадрингизга кўп ҳам етмас эканман. Мана, бир йилдан ошди. Сиздан узоқда яшаяпман. Тўғри, шу орада тўрт марта қишлоққа бориб келдим. Шунда ҳам Сиз билан тўйиб-тўйиб суҳбатлаша олмадим. Ҳали ёру дўстлар, ҳали ошна-оғайнилар суҳбатидан бўшамадим.

Ростини айтсам, онажон, киши яқинларининг қадрини, узоқ сафарда, ҳарбий хизматда ёки ўқишдалик пайтларида яхши англаркан. Она фарзандини меҳр кучи билан ўзига чорлаб тураркан.

Ҳар гал борганимда сизга айтмоқчи бўлган сўзларимни мана бугун қоғозга битмоқдаман. Ҳар доим туғилиб ўсган қишлоғим Обшир сари отланганимда, Сизнинг меҳр тўла кўзларингиз, фариштадек сиймонгиз кўз олдимда намоён бўлади. Гоҳида шиддат билан, гоҳида эса бир маромда тебраниб манзил сари елиб бораётган поезд деразасидан бепоён кенгликларга термуламан.

Сизга айтмоқчи бўлган сўзларимни бирма-бир такрорлайман. Онажон, қачонгача ёлғиз мени ўйлайсиз. Мана пенсияга чиққанингизга ҳам беш йил бўлибди. Шу йиллар мобайнида бирон марта нафақангизни тўлиқ ололмадингиз. Соқолига оқ оралаган почтальон ҳар хил баҳона билан ҳар ойда бир сўм ушлаб, ўз ҳамёнини қаппайтиради. Ҳар йили обуна учун деб уч сўм оладию, аммо на рўзномадан хабар бор, на пулдан. Умри меҳнат билан ўтаётган қишлоқ аёли ёшлигида ўқимаган рўзномани кўзда нури, белда мадори қолмай, қариб пенсияга чиққанда ўқийдими?

Мен сизга тушунтирмоқчи бўламан. Сиз эса: қўявер ўғлим, унинг ҳам бола-чақаси бор, — дейсиз.

Майли, Онажон, шу вақтгача қаерни кўрдингиз? Кўп узоққа борган бўлсангиз Душанбе шаҳригача, у ерга ҳам албатта томоша учун эмас, дардингизга малҳам излаб боргансиз. Ахир, сиз ҳам мундоқ у ер, бу ерга чиқинг. Бепоён Ватанимизнинг гўзал, баҳаво жойларини кўринг, роҳатланинг. Қачонгача икки эшик орасидан нарига чиқмай, диққинафас бўлиб яшайсиз.

Онажон, яқинда борганимда пешонангиздаги ажин юзингизга тушганини кўриб, хўрлигим келди. Мени бир нафас бағрингизга босиб турибсиз, елкаларингиз силкингандек бўлди. Меҳр тўла кўзларингизга тикилдим. Кўзимдаги ёшни ўғлим кўрмасин деб мендан яширмоқчи бўлиб ўзингизни кулганга олдингиз. Менинг эса бўғзимга аччиқ бир нарса тиқилгандек бўлди.

Онажон, бир воқеа ёдингиздами? У кезлари ҳали бола эдим. Биласиз баҳорда қишлоғимиз шундай чиройли бўлиб кетадики, бағрини қирмизи лолалар қоплаган тепаликлар осмонни ҳам қип-қизил қилиб юборгандай бўлади. Ана шундай кунлар бизга мазза эди. Тепалик ва унинг этаклари энг қадрдон жойимиз бўларди. Тенгқурлар йиғилиб, турли ўйинлар ўйнаймиз. Айниқса, чиллакдан сози йўқ.

Мактабдан келиб, сумкамни қўяр-қўймас Фарҳод, Равшан, Менгалиларнинг товушини эшитиб қолдим. Уй дарчасидан қарасам, улар аллақачон чиялак ўйинини бошлаб юборишибди. Нари-бери тамадди қилиб, ҳовлига чиқдим. Осмон булут, адирлар томондан намхушгина шабада эсарди. Ичкаридан сизнинг товушингиз эшитилди.

— Раҳимжо-о-он, қўйларни ҳайдаб кетсанг бўлармиди.

Бир ҳафтадан бери бетоб эдингиз. Қўшни қишлоқдаги амбулаториядан чиройлигина бир дўхтир қиз укол қилиб кетяпти. Барибир фойдаси бўлмаяпти. Бир оргамга қайтиб қўрадаги қўйларни ҳайдаб чиқмоқчи бўлдим. Лекин бу пайт тепалик устидаги Равшан ҳуштак чалиб, тезроқ келсанг-чи, дегандек имлаб чақира бошлади. Ишонсангиз, қўй ҳам эсимдан чиқиб, боғ ўртасидаги ёлғиз оёқ йўл бўйлаб тепалик сари чопиб кетдим.

Мен келгач, ўйинни қайтадан бошладик. Равшан билан Менгали бир тараф, мен билан Фарҳод бир тараф бўлдик. Аввалига Равшан билан Менгалининг қўли баланд келди. Кейин эса бизнинг. Рости, уларни тепаматепа зувиллатавериб ҳолдан тойдирдик.

Ўйин қизиқ нарса бўладида, айниқса, рақибингни енгаверсанг. Ўйин билан осмонни қалин булут қоплаб олиб, аста-секин ёмғир ёға бошлаганини сезмабман. Бир маҳал қарасам, уст-бошим ҳўл. Фарҳод бўлса бир шеърни айтаяпти:

Осмондан ёмғир ёғади,
Мастура сигир соғади.
Сигирига ем бермаса,
Челагини тепади.

Ёмғир ёққандан ёғди, ўйин тўхтади. Ёмғир ёққанидан хафа бўлиб уй-уйимизга тарқалдик. Уйга келсам, онам жойларида йўқ. Қўрага югурдим, қўйлар ҳам йўқ. Ҳамиша қўй боқадиган жойим сойга югурдим. Оёқларим тойиб, йиқилиб-сурилиб сой томон чопиб бораркаман, ўйлардим: «Отам яна олти кундан кейин келади. Дам олиши тугаб қайтсалар, албатта хафа бўладилар. Ишқилиб, яхши иш қилмадим».

Қўйлар қишлоқ четидаги йўл бўйлаб уйимиз томон юриб келарди. Улар ундабунда тўхтаб, бутун вужудини силкитар, шу билан юнгларидаги ёмғир томчиларини туширмоқчи бўларди. Сиз эса... Сиз қўйлар ортидан зўрға қадам ташлардингиз. Бошингизга ташлаб олган чопоннинг енгларидан ёмғир томчиларди.

Ҳароратингиз яна кўтарилди. Алаҳсирар, бутун вужуди безгак тутган кишидек дағ-дағ қалтирардингиз...

Ташқарига чиқдим-у, қўшни қишлоқдаги амбулатория томон чопиб кетдим.

Онажон, ёлғиз ўғлингизни, Сиз ўшанда кечирган эдингиз. Барибир ўша воқеадан буён ўзимни олдингизда бир умр гуноҳкор ҳисоблайман. Балки бу воқеалар Сизнинг ёдингиздан кўтарилган, унутиб юборгандирсиз. Мен эса негадир унута олмайман.

Бахтиёр ТИЛЛАЕВ,
ТошДД журналистика куллиёти 2-курс толиби.



ДЎСТЛИК ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижодий бригадаси Белоруссия бўйлаб сафардан қайтди. Ҳаваскор артистлар ўн икки кун мобайнида Минск вилоятининг Слуцкий ноҳиясидаги колхозлар ва совхозларда, корхоналар ва муассасаларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

— Аввалги йилларда ўтказилган шундай тадбирлардан фарқли равишда ижодий жамоа катта майдонлар ва концерт залларида дабдабали чиқишлардан воз кечишга қарор қилди, — дейди программа бош режиссёри С. Мансуров. — Биз чекка жойлардаги Ўзбекистон халқ санъатини кўрсатиш ниятида эдик. Жам бўлиш учун Слуцкий ноҳиясини танлаб, энг олис хўжаликларга бориб концертлар қўйдик. Концертларимиз асосан очиқ ҳавода ўтди — заллар бизнинг чиқишларимизни томоша қилишни истовчиларнинг барчасини сиғдиролмаган бўларди. Одамлар концертларга тўппа-тўғри иш жойларидан келишарди. Бизни жуда самимий кутиб олишарди. Программада жумҳуриятимизнинг турли ноҳияларидан бўлган етмишдан зиёд ҳаваскор артист иштирок этди. Фарғона вилояти Қува ноҳиясининг «Анор» ҳамда Хоразмнинг «Хумор» халқ фольклор-этнографик дасталари белоруссиялик томошабинларни ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари, анъанавий удумлари билан таништирдилар. Қўқон халқ цирк жамоаси дорбозларининг чиқишлари, айниқса, катта муваффақият қозонди.

Белоруссияда ўтган Ўзбекистон халқ ижодиёти кунларининг якунловчи концерти дўстлик байрамига айланиб кетди. У Слуцкий марказий маданият ва истироҳат боғида ўтди. Унда ўзбекистонлик артистлар билан бирга Слуцкий ноҳияси бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам иштирок этишди.

Йил охирида Ўзбекистон халқ ижодиёти кунлари Қозоғистонда ўтказилади. Наманганда эса Тожикистон халқ жамоаларининг чиқишлари бўлади.

П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТВ

23 АВГУСТ
ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

Қувноқ ўтсин таътиллар

11.30 Болалар учун фильмлар: «Терговни бўғирсоқлар олиб боради», «Рикэ-хохолок». 12.05 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 12.50 Такрорий фильмлар экрани. «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 13.55 Б. Носиров. «Оқ тулпор» изидан...». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Давр тақозоси билан». Самарқанд вилояти қайта ишлаш корхоналари иш тажрибасидан. 18.15 «Фанга бағишланган умр». В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. Академик С. Х. Сирожиддинов. 18.50 «Алифбо сабоқлари» почтасидан. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлар овози». Ижодкор ёшлар иштирокида кўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Жиноятчиликка қарши кураш: муаммо, мулоҳаза ва мунозара». 22.00 «Ахборот». 22.20 И. Охунбобоев номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг 70 йиллиги олдидан. «Нодира» драмасидан парчалар. 23.20 «Махфий сайр». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 9.05 «Асраб, авлодларга етказ». Фольклор жамоаларининг чиқиши. 9.50 «Дунё бўйлаб». Альманах. 10.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Яшил чироқ». 16.15 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Ворис». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри). 16.45 Бородин номли Давлат квартетининг концерти. 17.25 «ТелеЭКО» журнали. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.25 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Пласидо Доминго билан бир оқшом». Мусиқий фильм (Англиянинг «Спейн пикчер» телекомпанияси маҳсулоти). 21.55 «Босқичлар». 23.10 «ТСН».

МУСИҚА ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ

Тошкент шаҳрининг 20- мусиқа мактаби ўқувчиси М. Ёқубовнинг «Мусиқага оид китоблар қани?» («Ёш ленинчи», 27 июль 1989 йил) сарлавҳали мақоласи билан танишиб чиқиб, ўз фикрларимни ён дафтаримга ёзиб қўйган эдим. Ўша кунларда В. А. Сухомлинскийнинг «Ўғлимга хатлар» китобини мутолаа қилдим. Китобдаги еттинчи хатда Сухомлинский ўз ўғлининг транзистор сотиб олиш учун 45 сўм юбориш ҳақидаги талаби ва фикрига қўшилмаганлиги қайд қилинган. Бунинг сабаби, кейинги вақтларда шаҳар атрофи боғларидаги дарахтларга қушлар қўнмайдиган ва сайрамайдиган бўлиб қолганидир. Тошкентда ҳам шундай. Бунинг асосий сабаби шаҳар боғларида радио ва транзистор садолари қушлар «мусиқаси»ни четлатишгандир. Бу «мусиқа» ўзининг табиийлиги билан бебаҳодир. Ана шу сабабли Сухомлинский ўғлига табиат мусиқасидан кўпроқ баҳраманд бўлиш; уни чуқур тушуниш, бунинг учун бирор мусиқа асбобида чалишни ўрганишни тавсия қилади. Шу муносабат билан транзистор ўрнига скрипка сотиб олишни маслаҳат беради. Скрипкани ўрганиш учун ҳаваскорлар учун мослаб нашр қилинган қўлланма китобидан фойдаланиш мумкин...

Бинобарин, ўзбек тилида фақат мусиқа мактаби ўқувчилари учунгина эмас, балки бирор мусиқа асбобида чалишни ўрганишга ҳаваскор-ёшлар учун ҳам қўлланмалар, шунингдек кенг мусиқа билими ва маданиятини эгаллашга қаратилган адабиётлар босиб чиқариш ҳақида муфассал ўйлаб кўриш керак. Дастлаб мусиқа ҳаваскорларига қандай китоблар нашр қилиш мақсадга мувофиқ?

Мен ўқувчилик davrimda мусиқа тўгарагига қатнашиб, скрипка чалишни ўрганганим, ҳатто сайловчиларга концерт беришда қатнашганимни эслайман (1937-39 йил). Мусиқадан қисман хабардорлигим ўзбек ва рус мусиқалари хусусиятларини, айниқса опера мусиқасининг мазмунини тушунишда менга ёрдам берди. Ҳозирда невараларимда мусиқага ҳавас уйғотиш мақсадида мандалина сотиб олдим, эски ўрганган маршларни қайтара бошлаб, янги куйларни чалишга ҳам киришдим. Шу муносабат билан ёшларда мусиқага қизиқишни кучайтириш учун дастлаб ўзбек тилида рус тилида нашр қилинган Л. Михесвяннинг «Мусиқа луғати ҳикояларида» ва В. Васина—Гроссманнинг «Мусиқа ҳақида илк китоб» каби рисолаларини чоп этиш лозим.

Биринчи китобда мусиқа соҳаси ва мусиқа билан боғланган қатор атамаларнинг қўлланиши, уларнинг келиб чиқиши ҳикоя тарзида тушунтирилади. Масалан, опера сўзи шарҳида у бундан 400 йил муқаддам келиб чиққани, XVIII ва XIX асрларда шакллангани, биринчи опера 1594 йилда Флоренцияда (Италия) қўйилгани, Европанинг бошқа мамлакатларига ва Россияга ёйилиши, рус композиторларининг фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Дўмбира ҳақидаги маълумотларда, ибтидоий кишилар ундан фойдаланганн, унинг катта ва кичик турлари мавжудлиги ва ҳозирда Африка ҳамда бошқа мамлакатларда «араб» дўмбирасидан кенг фойдаланилаётгани кўрсатилади... Жаз оркестри XX аср бошларида шаклланганн айтилади. Луғатдан мусиқага доир истаган сўзингиз ёки қизиқтирган масалага жавоб топиш мумкин (ҳатто сурнай ва дўмбира ҳақида ўқийсиз). Шуни айтиш керакки, ўзбек тилида ҳам бундан 5 йил олдин «Мусиқа луғати» китоби нашр қилинган. Лекин бу китоб фақат таржима характерига эга, унда мусиқага оид ҳикоялар йўқ.

Иккинчи китобда мусиқа ҳақида чуқурроқ маълумот берилган. Китобда «Мусиқа жамият ҳаётида», «Мусиқа нутқининг муҳим элементлари», «Вокал мусиқаси», «Мусиқа асбоблари тарихидан», «Театрда мусиқа», «Мусиқа ва рақс», «Мусиқа ва кино», «Симфония мусиқаси ҳақида» ва бошқа кўпчиликни қизиқтирадиган боблар бор.

Фикримча, ўзбек тилида ҳам юқоридаги икки китобга ўхшаш дарслик ва оммавий китоблар нашр қилиш керак. Бу китоблар мактабларда мусиқа соҳасида суҳбатлар ўтказишга, ўқувчиларнинг мусиқага қизиқишларини кучайтириш ва эстетик маълумотларини кенгайтиришга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, «ёшларнинг рўзнома ва ойномаларида мусиқа маданияти, мусиқа асбоблари, композиторлар ҳақида жуда кам мақолалар босилмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган китоблардаги материаллар, шу ҳисобда мусиқа терминларини тушунтириш, улар билан тез-тез муштарийларни таништириб бориш фойдалидир. Бу тадбирлар ёшлар маданиятининг таркибий қисми бўлган мусиқани чуқур ўрганишга ва бу орқали дам олиш соатларимизнинг мазмунли ўтишига ёрдам беради.

Ҳикмат СОБИРОВ.

Луқма

ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

Яккабоғ ноҳияси босмахонасида чоп этилган «Справочник Камашинский районный телефонной сети» деб номланган маълумотномани қўлга олар экансиз, ўйланиб қоласиз. Наҳотки, шу китоб бизнинг жумҳуриятимизда чоп этилган бўлса деб. Аммо, жимжимадор қилиб «Камаши—90» ёзуви шубҳаларингизни тарқатиб юборади.

Тўғрисини айтсам, олий маълумотли журналист бўла туриб, ушбу қўлланмадаги айрим сўзларни ҳазм қила олмадим. Турли хил «Водхоз РПРЭО», «Водопровод», «Райздрав», «РайСТАТ РЦВС», «Сортучасток», «Заготзерно», «Заготконтора», «Камаши ПО», «ХСМНУ», «Маслопром», «КСМ», Китаб ЭЛУ», «Общество «Китабхон» каби сўзларнинг маъносини қамашиликлар қандай тушунишади, бу менга қоронғу. Бироқ, шу нарса аёнки, қамашилик айрим раҳбарлар ўз она тилларини заррача ҳам ҳурмат қилмас эканлар.

Ҳангоманинг зўрининг «Хонадонлар телефонлари» деб номланган иккинчи саҳифада кўрасиз. Бу ерда «Ачиловдан тортиб Азадовгача бор». Ҳаттоки рус алфавитида мавжуд бўлган «О» ҳарфининг китобчада йўқлигини қандай баҳолайсиз.

Бугунги кунда она тилимизга бўлган эътибор анча кучайди. Биз ўзлигимизни англай бошладик. Рўзномаларда ишлатилаётган ўзбекча сўзларни ўқиб, ниҳоятда севинасан киши. Тилимизга Давлат мақомининг берилиши бу борадаги энг хайрли иш бўлди десак, янглишмаймиз. Наҳотки, бу қонун қамашилик раҳбарларга ёқмаган бўлса?

Сайфулла ИКРОМОВ,
Яккабоғ ноҳияси «Авангард» рўзномаси бўлими мудири.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23527.